

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқукида

Қурбонова Нозима
ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ТИЗИМИ ТАРИХИДАН
(1936-1954 йиллар)

Ихтисослик: 5А 120301 - “Ўзбекистон тарихи”

Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди.
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси
муdiri, доцент, тарих фанлари
номзоди М.АБДУЛЛАЕВ
_____ “ ____ ” _____ 2014 йил

Илмий раҳбар:
доцент, тарих фанлар
номзоди Б.Расулов

АНДИЖОН – 2014

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ТИЗИМИ ТАРИХИДАН (1936-1954 ЙИЛЛАР)

РЕЖА

КИРИШ

I-БОБ. СССРДА САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ ТОТАЛИТАР ХАРАКТЕРИ

1.1. Совет сайлов тизимининг шаклланиши

1.2. Совет сайлов тизимининг тоталитар характери. Сайлов ҳуқуқидан махрум қилиш сиёсатининг моҳияти

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ССРДА 1936-54 ЙИЛЛАРДАГИ САЙЛОВ ТИЗИМИ.

2.1. Сайлов комиссияларининг фаолияти.

2.2. Сайлов ҳуқуқига эга бўлганларни рўйхатга олиш тартиби

III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ССРДАГИ САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ КАДРЛАР СИЁСАТИГА ТАЪСИРИ

3.1. Ўзбекистон ССРдаги сайлов тизимининг кадрлар сиёсатига кўрсатган салбий таъсири

3.2. Хотин - қизларнинг сайлов жараёнидаги иштироки.

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги тарихий давр халқимиз олдида эзгу ва улуғ мақсадларни қўйиб, ўз кучи ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш имконини беради. Улкан натижалар қўлга киритилаётган ҳозирги босқичда амалга оширилаётган ислоҳот ва узғаришларнинг туб моҳияти ўзлик ва ўзига хосликни чуқур англаб етган ҳамда миллий ғоя, теран фикр ва илмий тафаккури баркамол жамият аъзоларини тарбиялашни талаб этмоқда. Шу ўтган йилларда миллат, халқ ва тақдири билан боглиқ жараёнлар сарҳисоб қилинса, асрларга тенг улкан аҳамиятга молик ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Энг муҳими, ана шундай ўзғаришлар натижасида юртдошларимизнинг дунё қараши, маънавий олами, ҳаётга, меҳнатга муносабати кескин ўзгариб бормоқда. Шу заминда ўсиб келаётган ёшларда эртанги кунга қатъий ишонч тобора ортмоқда. Мамлакатимизда инсон манфаатларини олий қадрият даражасига кутаришга қаратилган кенг куламли ислоҳотлар халқимизнинг ижтимоий - сиёсий ҳаётини, маънавий оламини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бугунги тарихий давр халқимиз олдида эзгу ва улуғ мақсадларни қўйиб, ўз кучи ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш имконини беради. Улкан натижалар қўлга киритилаётган ҳозирги босқичда амалга оширилаётган ислоҳот ва узғаришларнинг туб моҳияти ўзлик ва ўзига хосликни чуқур англаб етган ҳамда миллий ғоя, теран фикр ва илмий тафаккури баркамол жамият аъзоларини тарбиялашни талаб этмоқда. Шу ўтган йилларда миллат, халқ ва тақдири билан боглиқ жараёнлар сарҳисоб қилинса, асрларга тенг улкан аҳамиятга молик ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Энг муҳими, ана шундай ўзғаришлар натижасида юртдошларимизнинг дунё қараши, маънавий олами, ҳаётга, меҳнатга муносабати кескин ўзгариб бормоқда. Шу заминда ўсиб келаётган ёшларда эртанги кунга қатъий ишонч тобора ортмоқда. Мамлакатимизда инсон манфаатларини олий қадрият даражасига кутаришга қаратилган кенг куламли ислоҳотлар халқимизнинг ижтимоий - сиёсий ҳаётини, маънавий оламини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида ўз олдида қўйган юксак марраларга эришиш жараёнида, яъни озод, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар каторидан ўрин олиш, мустаҳкам суянч ва таянч бўладиган баркамол ёш авлодларни тарбиялаб вояга етказишда тарих фани олдида муҳим вазифаларни қўяди. Зеро, Ўзбекистон тарихи саҳифалари ҳам ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий, маънавий воқеликлар нисбатини англаш, уларнинг сабабларини англаш ва келажакда хулосалар

чиқариб беришда муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб айтганидек, «Тарих хотираси, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди»¹, зеро, «ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ»².

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида ўз олдида қўйган юксак марраларга эришиш жараёнида, яъни озод, эркин ва фаровон ҳаёт куриш, ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш, мустаҳкам суянч ва таянч бўладиган баркамол ёш авлодларни тарбиялаб вояга етказишда тарих фани олдида муҳим вазифаларни қўяди. Зеро, Ўзбекистон тарихи саҳифалари ҳам ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий, маънавий воқеликлар нисбатини англаш, уларнинг сабабларини англаш ва келажакда ҳулосалар чиқариб беришда муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб айтганидек, «Тарих хотираси, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди»¹, зеро, «ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ»². Ҳақиқатан ҳам, инсон ва халқ маънавиятининг узвий ва таркибий қисмларидан бири тарихий хотирадир. Тарихий хотира бор экан, халқ ўзининг буюк кечмиши, бетакрор маданий меросини доимо ёдда сақлайди. Инсон хотира билан тирикдир, кадр билан улуғдир. Инсон айнан тарихий хотира орқали ўз тарихини билади ва ундан сабоқ олади. Айниқса, ҳаққоний тарих инсонни ҳушёрликка ўргатиб, иродасини тоблайди, руҳини чиниктириб куч бағишайди¹. Бироқ совет мустамлакачилиги даврида халқимиз ўзлигидан, тарихидан, тилидан, миллий - маданий, маънавий меросидан ва диний қадриятларидан бебаҳра қолди. Маъмурий буйруқбозлик тизими ўрнатган шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида нотўғри йул-йуриқлар, мақсадлар орқали жамият ҳаёти сохталаштирилди, кадрлар сиёсати масаласи коммунистик мафкура манфаатларига мослаштирилди. 1990 йил Ислом Каримов томонидан айтилган қуйидаги фикрда, «Асоссиз равишда қилинган оммавий қатағонларни, саноатлаштириш даврида турмушнинг асосий негизлари шафқатсизлик билан барбод қилинганлиги, халқларнинг маънавий қадрияти қалбакилаштирилгани, ижтимоий-иқтисодий инқирозга учраган одамлар халқнинг энг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1997.-Б. 140.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008. – Б.4.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Тарихий хотира ва инсон омили - буюк келажакимизнинг гаровидир» ри- соласини урганиш бўйича ўқув қўлланма. - Тошкент: «Уқитувчи», 2012. 3-бет.

зарурий эҳтиёжлари ва ҳаётий талабларини писанд қилмай қуйганликларини кўрсатувчи тобора янги даҳшатли мисоллар ҳозир ҳам маълум бўлиб қолмоқда»⁴. Тарихимизнинг олис ва яқин саҳифаларини варақлаш, ўтмишга теран назар ташлаш содир бўлган воқеаларни вақт тарозисида ўлчаш, уларга ҳолисона баҳо беришга ундайди.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, ҳақли тарзда таъкидлаш жоизки, янгича ёндашув асосида 1936 — 1954 йилларда Ўзбекистонда совет тузумининг сайлов масаласида юритган сиёсатини таҳлил қилиш, тажрибадан сабоқ олиш ҳозирги замон талабидир.

Ўзбекистонда кузатилган 1936-1954 йиллар оралиғидаги тарихий жараёнлар асосида совет давлатининг маъмурий буйруқбозлик тизими остида амалга оширган сайлов сиёсати, унинг ижтимоий ва маънавий ҳаётга таъсири ва оқибатлари, сайлов сиёсатининг моҳияти, ғоявий ва стратегик мақсадлари, маҳаллий халқга муносабат, саноатни ишчи депутатлар билан таъминлашдаги советлар сиёсати, марказдан кадрлар жунатиш сиёсати, хотин-қиз, инженер-техник, қишлоқ хўжалик кадрлари муаммолари тизимининг ўзига хос тарихи, халқ хўжалигини урушдан кейинги йилларда тиклашдаги қийинчиликлар, республика саноат тараққиётининг бир томонлама хусусияти, пахта якка ҳокимлиги, жамият маданий-маънавий ҳаётига «ривожланган социализм» ғоясининг сингдирилиши, «Қайта қуриш» сиёсатининг самарасизлиги, бу борада сайлов сиёсатида доир муаммолар ва уларнинг оқибатлари аниқ далиллар асосида ўрганилиб, таҳлил этилади. Бу даврлаштириш Ўзбекистонда совет тузумининг совет сиёсати моҳиятини идрок этиш, ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш, аниқ тушуниш имконини беради. Иккинчи Жаҳон урушидан Собик иттифок парчаланиб кетгунга қадар ҳам халқаро, ҳам ички сиёсатда алоҳида шаклланган тизим мавжуд бўлдики, бу сайлов сиёсатида ҳам ўз аксини топиб, совет тузумининг тикланиш давридан қайта қуришгача булган йиллардаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳалари билан яхлитликда ўрганиш эҳтиёжини туғдиради ва совет давлати кадрлар тайёрлаш сиёсати назариясига бугунги кун нуқтаи назаридан баҳо берилди. Ўзбекистонда 1936—1954 йиллардаги сайлов масаласида совет тузumi ва партиянинг бирёғламалик сиёсати моҳияти очиб берилди.

XX аср халқлар ҳаётида азоб-уқубатлар, тажовузлар, фожеалар баробарида қахрамонона буюк бунёдкорликлар даври бўлди. Ва бу силсилалар моҳиятидан, ахамиятидан қатъи назар, шак-шубҳасиз, ҳамма замонлар каби тарих мулки бўлиб қолди. Хох салбий, хох ижобий бўлмасин уша мулк инсониятга тааллуқлидир. Шу боис аср кечмишларнинг ҳар бирини махсус, алоҳида англашимиз, ўрганишимиз, таҳлил

килишимиз керак. Негаки ўша тарих келгуси авлодлар учун ҳам сабоқ бўлмоғи лозим. Бундан Совет даври тарихи ҳам мустасно эмас, зеро, халқимизнинг Совет даври тарихидан ҳам воз кеча олмаймиз. Уни таниб бўлмас даражада сохталаштиришга ёки ундан афсоналар тўқишга ҳам томошабин бўлиб тура олмаймиз. Бунга маданиятимиз йўл қўймайди. Аксинча ҳар қадамда ўтмишимизга қайтиб, ундан сабоқ олиб, яхшисини қўллаб, ёмонини танқид этиб иш қўриш маънавий бурчимиздир.⁴

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан Ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини тиклаш ва халқимизни, миллатимизни шу тарих билан қуроллантириш энг долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилгани республикада янги даврни бошлаб берди.

Коммунистик мафкура ва унинг тазйиқи остида бўлган совет тарихшунослигининг методологик, назарий, ғоявий асослари фақат марксизм-ленинизм таълимотининг синфий кураш ғояларини ва коммунистик мафкура ақидаларини тарғиб этишга йўналтирилган эди. Шу боис, нафақат халқимизнинг, балки қардош халқларнинг ҳам тарихининг жуда кўп муҳим масалалари атайин сохталаштирилган, зўрма-зўраки синфийлаштирилган ҳолда талқин қилинган. Тарихий ҳақиқат «мутлақо махфий»лик тамғаси остида халқдан яширилган.

Ўзбекистон тарихининг ана шундай сохталаштирилган, бузиб талқин қилинган муаммоларидан бири 1936-1954 йиллардаги сайлов тизими ва советларнинг сайлов ҳукукидан маҳрум қилиш сиёсати масаласидир.

Шунингдек мавзунинг долзарблиги кейинги омиларда ҳам қўриш мумкин:

-советларни Ўзбекистонда 1936-1954йиллардаги партиялардаги бир ёқламали сиёсий сайловларни очиб бериш.

⁴Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари. – Тошкент: “Шарқ” 2012 10 бет

-XX асрнинг 30-50 йилларидаги сайлов ҳукуқи тарихини ўрганиш билан боғлиқ бўшлиқ ва узилишларни тўлдириши билан ҳам белгиланади. Ўзбекистоннинг совет ҳокимияти йилларидаги ўтмиши тўғрисидаги илмий билимларни чуқурлаштиришга ва тарихий ҳақиқатни тиклашга ёрдам беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Ўзбекистонда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни чекланиши яъни советларнинг сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш сиёсати алоҳида мавзу сифатида махсус ўрганилмаган.

1936-1954 йиллардаги сайлов тизими ва советларнинг сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш сиёсати масаласига қизиқиш, энг аввало, Россия Федерацияси тарихшунослигида намоён бўлди.¹ Бу асарларда совет давлати ва компартиянинг амалга оширган сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш сиёсати танқидий баҳоланган.

Мазкур мавзу доирасида янги концептуал-методологик тамойилларга асосланиб ёзилган профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг коллективлаштириш, «қулоқлаштириш» ва сургун тарихига бағишланган йирик монографик тадқиқотлари ва илмий мақолаларида масаланинг бир қанча аспекти биринчи маротаба ёритилган, Иманова Д.А. нинг Ўзбекистонда совет тузимини кадрлар сиёсати ва сайлов сиёсатига қаратилган юзаки ишоарини очиб бериш бўйича ёзилган монографияси ҳамда ноёб архив ҳужжатлари илмий истеъмолга киритилган⁵. Тадқиқотчи Н.Худоёровнинг илмий мақолаларида Ўзбекистон ҳудудидаги сургун қилинган деҳқонлар - махсус(меҳнат) кўчкдилари ҳаётининг айрим қирралари ёритилган⁶.

Ўзбекистон Марказий Давлат архиви ва Андижон вилоят архивларида сақланаётган ва махфийлиги бекор қилинган ҳужжатларни танқидий, ҳозирги давр талаблари нуқтаи назаридан ўрганилди.

Магистрлик диссертациянинг назарий ва услубий асослари. Тадқиқот методологик жихатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистонда тарих фани олдида турган долзарб муаммо ва вазифалар хақида билдирган фикрлари, асарлари» ва нутқлари илмий хулосалар қилишда, таклиф ва тавсиялар беришда методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Илмий тадқиқот олиб бориш жараёнида киёсий таҳлилга, ретроспектив (ўтмишга мурожаат қилиш) ва комплекс статистик усуллари, тарихий ходиса, факт ҳамда рақамларни тарихий-фалсафий, муаммовий мушоада этиш йулига, умуминсоний, миллий кадриятларнинг щажарасига таянувчи тарихий тафаккур коидаларига, инсонпарварлик ғояларига ва мустақиллик миллий тараккиёт мафкурасига асосланади.

¹ Красильников С.А. На изломах социальной структуры: маргиналы в послереволюционном российском обществе (1917-конец 1930-х гг.) <http://zaimka.ru/sovet/krasiln1.shtml>; Татьяна Славко. Лиценцы на материалах крестьянских судебных уральцев. лишенных избирательных прав в 1918-1936 гг. Нижний Тагил, 2001.

Ўрганилаётган жараёнларни таҳлил қилишда тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан ёндашишга муҳим аҳамият берилиб, муаллиф тадқиқ қилинаётган воқеа-ҳодисаларга танқидий баҳо беришга интилади, лекин ҳаммасини ёппасига қоралайвермасдан, танқид яратувчанлик йўналишига эга бўлиши, миллий тикланиш манфаатларига хизмат қилиш лозимлигини ҳам ҳисобга олди.

Ишда тарихийлик, ҳолислик, илмийлик, мантикий кетма-кетлик каби тамойилларга асосланолди.

Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- биринчидан. XX асрнинг иккинчи ярмидан совет давлатининг сайлов сиёсатида асосан мамлакат, партия манфаатларига хизмат қиладиган номзодларни тайёрлашдан иборат бўлиб, бир-бирини мантиқан такрорлаб турадиган сохта шиорлар, партия кадрлар кадрлар сиёсатининг назарий асосларини ташкил этди. Гуёки, "чекка қолоқ; улқалардаги иқтисодий ва маданий қолоқликни тугатиб, иқтисодий ривожланишнинг чуққиларига етишда ишчилар синфи" жамиятнинг метиндек мустаҳкамловчи қучи деб тан олинди;

- иккинчидан, совет давлати ҳуққронлиги йилларида Ўзбекистонда ҳам сайлов сиёсатида ўзига ҳос йўналишдан борди. Жамиятни эзувчи ва эзилувчи синфларга ажратган бутузумда ишчилар синфи билан дехқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш, асосий ишлаб чиқариш қучларини жамоат мулкига айлантириш, халқ ҳужалигини режали ривожлантириш каби жараёнлар ягона қонуниятларга бўйсундирилди. Натижада миллий номзод депутатларни тайёрлаш баҳонаси билан маҳаллий миллат вақиллари "илғор" пахтақор ва механизаторларга айланиб бордилар;

- учинчидан, тадқиқ этилаётган йилларда ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишлари - тарихчи, сиёсатчи, иқтисодчилар илмий тадқиқот ишлари бир томонлама, марказ манфаатларига бўйсунган ҳолда амалга оширилди. Бу даврда яратилган асарларда муаммога ёндашув қоммунистик мафқуранинг қоявий таъсири остида бўлди ва бу масалалар узининг ҳолис талқинини топмади.

Ишнинг илмий янгилиги. Магистр диссертациянинг илмий янгилиги шундан иборатки, Ўзбекистонда совет давлати ҳуққронлиги йилларида сайлов сиёсати қомон талаблари миллий истикқол қояси руҳида илқ бор алоҳида илмий тадқиқот мавзуси сифатида ҳолисона ҳамда умумлаштирилган ҳолда ёритилди. Илғари тадқиқотчилар учун маълум бўлмаган қупгина маълумотлар ва ҳужжатли манбаларни давлат ва жорий архивдан топиб биринчи марта илмий таомилга қиритилди. Совет давлати

сайлов сиёсатини тайёрлаш назариясига бугунги кун нуктаи назаридан баҳо берилди. 1936-1954 йиллардаги сайлов масаласида партиянинг бирёкламалик сиёсати моҳияти очиқ берилди. Республикада юритилган сайлов сиёсати манбалар асосида илмий урганилди ва аниқ материаллар асосида ёритилди.

Илмий тадқиқотни бажариш жараёнида 1936-1954 йилларда ўрганилаётган мавзу бўйича амал қилган воқеа-ҳодисаларни бир-бири билан таққослаш, мантикий-илмий хулосалар чиқариш муаммоларни бир тарихий тараққиёт босқичида мавжудлиги ва узаро боғланганлигини эътиборга олган ҳолда баён қилишга амал қилинган.

Магистрлик диссертация натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Совет тузуми давридаги сайлов сиёсатини урганиш, умумлаштириш республиканинг ривожланиши учун фойдали буладиган сабоқларни чиқариш имкониятини беради. Диссертациядаги материаллар, баён этилган коиди ва хулосалар ёшларни меҳнатсеварлик, ижодий фаоллик руҳида тарбиялашда аҳамияти каттадир. Илмий изланиш натижасидаги материаллардан олий укув юртларида махсус курсларни ўқитиш, тарих дарсликлари, қўлланмаларни тузиш жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин.

- тадқиқот жараёнида аниқланган фактик материаллар, хилма-хил маълумотлар, илмий хулосалар совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон халқлари ҳаёти, тақдирида юз берган ўзгаришлар хусусида янгича тарихий тафаккур яратиш ишига хизмат қилади;
- миллий қадриятларимизни умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда тиклаш, миллий ғурур ва фахр ҳис-туйғуларини уйғотиш йўлида Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган сиёсатни изчил ҳаётга тадбиқ этишда ҳам тадқиқотдаги фикр-ғоялар, муҳим аҳамият касб этади;
- тадқиқот жараёнида ноҳақ сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари чекланган юртдошлар тақдири аниқланди;

Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифаси.

Тадқиқотнинг асосий мақсади Ўзбекистонда 1936-1954 йиллардаги сайлов тизимини комплекс ўрганишдан иборатдир. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, битирув малакавий иш олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- 1930-1950 йиллардаги совет сайлов тизимининг ҳуқуқий асосларини кўсатиб бериш;
- Ўзбекистон ССР да Сайлов комиссиялари ни ташкил этиш принциплари ва уларнинг фаолиятини белгилаш;

- Сайлов қонунчилиги бўйича Сайлов ҳуқуқига эга бўлганларни рўйхатга олиш тартибини аниқлаш;
- Советларнинг сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш сиёсати ва унинг репрессив моҳиятини очиқ бериш;
- Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини чекланишини
- Сайлов ҳуқуқларини тиклаш тартиби
- Меҳнат посёлкаларидаги собиқ кулоқларнинг ҳуқуқларини тикланиши.
- 1936 йилдаги СССР Конституцияси ва сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг бекор қилиниши.

Ишнинг даврий чегараси.

Мазкур ишнинг хронологик доираси 1936-1954 йилларни ўз ичига олган. Бунинг сабаби шуки, *биринчидан*, Бутунроссия Советларининг 1918 йил 10 июлдаги V съездида қабул қилинган РСФСР Конституциясида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди, *иккинчидан*, СССРнинг 1936 йил Конституциясининг 135-моддасига мувофиқ. Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий сабабларга кўра сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш бекор қилинди.

Тадқиқотнинг манбавий базаси.

Магисторлик дессиртацияси кенг кўламдаги хилма-хил бирламчи ва ёрдамчи манбаларга таянади, унинг асосий манбаси бўлиб архив ҳужжатлари хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ва Андижон вилоят давлат архивларининг 207, 335, 336, 337, 338, 339, 340, 342, 343, 344 фондлари, ҳамда 28, 29, фондлар кўриб чиқилди. Улардан 207чи фонддаги “Халқ судининг сайлов комиссияси”, “Андижон областининг халқ кенгаши”(1949-1954), 335 фонддан “СССРнинг олий советига сайлов комиссияси танловлари”, ҳамда 28 фонддаги “Фарғона областининг депутатликка маҳаллий кенгашга сайлов протоколлари”(1939й), 29/1 фондида “ССРнинг олий советидаги участкалардаги сайлов қаниссияларининг протоколлари (10 феврал 1946й)”, 28/7 фондида “Округ комиссияларининг сайлов протоколлари” (1948й) 28/17 фондида “Овоз йиғиш округларининг сайлов протоколлари” 28/44 “Депутатларни номзотликка танлаш протоколлари(1948й)”, 20/107 фондида “Сайловга тасдиқланган депутатлар қарори”, 28/210 фондида “Сталинский раенининг депутатларини шахсий карталари”, 20/217 фондида “1953йилдаги умумхалқ йиғинларининг протоколлари”, 29/1 фондида “1938йилдаги Олий кенгашнинг сайлов яқунлари”, 207/1,3,5 фондида “Ленин

раенинг сайловлари, Андижон раенининг Олий судидаги сайлов протоколлари”, хужжатларидан кен фойдаланилди ва шу малумотлар магисторлик диссертациясига киритилди, мавзуга доир материалларидан фойдаланилди.

Шунингдек, мазкур илмий ишда Республикамиз раҳбарининг ёзган асарлари⁷ ҳамда юртимизнинг кўплаб олимлари, профессорлари, фан номзодлари ва доцентларининг илмий ишларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг назарий-методологик базаси.

Магисторлик диссертацияси назарий ва методологик асосини илмий билишнинг диалектик методи, узвийлик тамойиллари, холислик, тарихийлик, тизимлилик, Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлол мафкураси, Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш

7 Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1997 йил – Б.140. Каримов И.А. Юксак маънавият – Енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008 – Б 4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустиқликка эришиш оstonасида. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011 – 165 бет. Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари – Тошкент: “Шарк” 2012 Б – 10. Иманова Б.А. Ўзбекистонда совет тузимининг кадрлар сиёсати ва унинг оқибатлари. – Тошкент: “Янги аср авлоди” 2013 Эркаев Э.М. Совет даврида Ўзбекистоннинг пахта хом-ашё базасига айлантирилиши ва унинг деҳқон ҳаётига салбий таъсири. Тошкент 2011 Автореферати.

Ўзбек миллий давлатчилиги ва унинг тарихини бунёд этиш тўғрисидаги методологик, назарий кўрсатмалари, Ўзбек давлатчилиги тарихи концепцияси ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидоийлар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори, шунингдек, Ўзбекистон Президентининг 2001 йил 1 майда қабул қилган «қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги қарори мазкур мавзу тадқиқоти учун муҳим концептуал аҳамиятга эга бўлди.

Магисторлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Магисторлик диссертациянинг умумий ҳажми 83 бетни ташкил этади.

I-БОБ. СССРДА САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ ТОТАЛИТАР ХАРАКТЕРИ

1.1. Совет сайлов тизимининг шаклланиши

Совет сайлов тизими Бутунроссия Советларининг 1918 йил 10 июлдаги V съездида қабул қилинган Конституциясидаги тамойиллар асосида шаклланган бўлиб, бу тамойиллар 1925 йилдаги СССР ва 1927 йилдаги Ўзбекистон ССР Конституцияларида белгиланган.

Ўзбекистон ССР да Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ЎзССР Конституциясининг «Шўрога сайлаш тўғрисида»ги 6 бўлимининг 13-боби 92-93 моддаларида белгиланган³. Мазкур моддалар асосида Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1927 йил 12 декабрдаги «Шўроларга сайловлар тўғрисида дастурамал (инструкция)»ларида⁴ сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизимининг ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ўз тасдиғини топган.

Маълумки сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш ўта муҳим жараён ҳисобланади. Шу боис, дастлаб сайлов комиссиялари фаолиятининг ҳуқуқий асосларига тўхталамиз.

Сайлов комиссияларининг фаолияти “Ўзбекистон ССР Советларига сайлов тўғрисидаги Низомнома”га асосан белгиланган. Унга кўра Ўзбекистон ССРда сайлов компаниясига умумий раҳбарлик қилиш учун, ЎзССРлар Марказий Ижроия Қўмитасининг Президиуми қошида, бу комиссиянинг раиси ва аъзолари тасдиқланади.

Марказий сайлов комиссиясининг қуйидаги ваколатлари белгиланган:

³ Ўзбекистон Ижтимоий Шўро Жумҳуриятининг амалдаги қонунларининг мунтазам йиғиндиси. Самарқанд-Тошкент, «Ўздавнашр», 1930, 27-28 бетлар.

⁴ «Шўроларга сайловлар тўғрисида дастурамал». ЎзССР Ишчи ва деҳқон ҳукуматининг қонун ва буйруқларининг йиғиндиси. 12 декабрь 1927 йил. № 38.

- а) Сайлов компаниясига тайёрланиш ва уни ўтказиш ишлари устидан умумий назорат қилади;
- б) Район, шаҳар ва қишлоқ сайлов комиссиялари ишларига раҳбарлик қилиш;
- в) Район сайлов комиссияларига ва тўғридан-тўғри ЎзССР Советлар Марказий Ижроқўмига тобе бўлган шаҳар сайлов комиссиялари томонидан СССР ва ЎзССРнинг сайлов қонунларига ҳилоф чиқарилган қарорларни бекор қилиш учун тақдим қилади;
- г) ЎзССР сайлов қонунларини тадбиқ қилиш бўйича ҳукумат идоралари ва халқ учун мажбурий бўлган тушунтиришлар беради;
- д) ЎзССР Марказий сайлов комиссиясига, сайлов кампаниясига умумий йўлбошчилик қилишдан бошқа яна ҳамма қуйи сайлов комиссияларининг ҳаракатлари устидан бўлган шикоятларни кўриш вазифаси юкланади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарори, унинг протоколлари ЎзССР МИҚнинг Президиуми томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

3. Маҳаллаларда сайлов кампаниясига йўлбошчилик қилиш учун район Ижроия Қўмиталари, шаҳарва қишлоқ Шўролари қошида, Район Шўролар бўлган шаҳарларда эса, шаҳарларнинг район Шўролари олдида тегишли сайлов комиссиялари тузилади, бу сайлов комиссияларининг раислари юқори турган Ижроия Қўмиталари ёки тегишли шаҳар Советлари томонидан белгиланиб тасдиқ қилинади, комиссия аъзолари эса тегишли Ижроия Қўмиталари ёки шаҳар Советлари томонидан тасдиқ қилинади.

Район сайлов комиссиялари 15-кишидан иборат таркибда Райижроқўмлар томонидан тузилади: раис, тегишли Ижроия Қўмиталаридан 2-вакил, Касаба союзи, Комсомол ташкилоти, Ишчи ва деҳқон хотин-қизларининг турмуш ҳамда меҳнатини яхшилаш Қўмитаси, шаҳар Совети, Майда миллатлар, Ишчи-Деҳқон Қизил қўшини, Камбағаллар уюшмаси, Деҳқон ўзаро ёрдам жамиятидан бирор вакил, ишлаб чиқариш ишчиларидан бир вакил, тўғридан тўғри қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлган деҳқонлардан бир вакил, Колхоз бирлашмаларидан бир вакил киритилади.

Қишлоқ сайлов комиссиялари 9-кишидан иборат таркибдада тузилади: Раис, қишлоқ Советидан 2-вакил, Касаба союзи (қишлоқ хўжалик ва ўрмон ишчилари) Комсомол ташкилоти, камбағаллар уюшмаси, ишчи ва деҳқон хотин-қизларнинг турмуш ҳамда меҳнатини яхшилаш Қўмитасидан бирор вакил ва Колхоз бирлашмасидан бир вакил.

Хамма шаҳарларда, ишчилар посёлкасида ва шаҳар типдаги қишлоқларда шаҳар сайлов комиссиялари қуйидаги 11-кишидан иборат тузилади: раис, тегишли шаҳар Советидан 2-вакил, ишлаб чиқаришдан 2-ишчи, Касаба союз, Қизил қўшин, Комсомол ташкилоти, Майда миллатлар, Кустарлар артелидан бирор вакил, ва ишчи хотин-қизларнинг умумий шаҳар вакиллар йиғилишида сайланадиган ишчи хотин-қизлар вакили;

Тўғридан-тўғри Ўз.ССР Советлар МИҚга бўйсунадиган шаҳарларда шаҳар сайлов комиссиялари 15-кишидан иборат тузилади: Раис, тегишли шаҳар Советидан 2-вакил, ишлаб чиқариш ишларидан 4-вакил, Колхоз бирлашмаларидан 2-вакил ва Касаба союзи, Майда миллатлар, Қизил қўшин, артелга бирлашган кустарлардан бирор вакил ҳамда ишчи хотин-қизларнинг умумий шаҳар вакиллар йиғилишида сайланадиган ишчи хотин-қизлар вакили.

Районларга бўлинган Ташкент ва Самарқанд шаҳарларида Советларга сайлов учун район доирасида қуйидаги 9-кишидан иборат таркибда район сайлов комиссиялари тузилади: раис, Район Шўросидан 2-вакил, Касаба союзи, Комсомол ташкилоти, Майда миллатлар, Қизил қўшин, ишлаб чиқаришдаги ишчилардан бирор вакил ва хотин-қизларнинг район вакиллар йиғилишида сайланадиган ишчи хотин-қизлар вакили.

Шунингдек, айрим шаҳарларда, ЎзМИҚ Президиумининг рухсати билан, йирик завод, фабрика ва корхоналар бўйича алоҳида ёрдамчи сайлов комиссиялари тузилиши мумкин.

Сайлов комиссияларининг ҳуқуқ ва вазифаларига қуйидагилар киради:

Тегисли доирада сайловларнинг қонунга мувофиқ ва ўз вақтида ўтказилиши устидан назорат қилиш;

Қуйи сайлов комиссиялари ишларига ҳамда уларнинг сайлов вакиллари раҳбарлик қилиш;

Судияларнинг вояси тўғрисидаги ахборотни ва шу масала бўйича тегишли биржа қўмитасига шаҳар Шўролари ҳамда юқори турган сайлов комиссиясига топширади;

Қуйи сайлов комиссияларининг тарқатилиши ва унинг ярим аъзоларининг чиқарилиши ҳамда уларнинг қарорларини бекор қилиш тўғрисида тегишли биржа қўмиталарига ва шаҳар Шўроларига билдириш;

Қуйи сайлов комиссияларидан улар томонидан бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот талаб қилиш;

Сайлов йиғинлари чақириш;

Сайлов йиғинларида раислик қилиш учун вакиллар белгилаш;

Қуйи сайлов комиссияларининг ҳаракатлари устидан бўлган протест, ариза ва шикоятларни кўриш;

ЎзМИҚнинг қарори билан лозим топилган жойда сайловчилар рўйхатини тузиш;

Сайловга чақирув қоғозини тарқатиш;

Сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган кишиларнинг рўйхатини тузиш кўриб чиқиш уларни текшириш ва эълон қилиш;

Сайлов вақтида сайланувчиларни маъмурий томондан сиқишга йўл қўймаслиги устидан назорат қилади;

СССР ва ЎзССР қонун асосини ҳамда сайлов дастурамалининг қоидаларини бузиш сабабли сайловларни хоҳ тўла равишда ва хоҳ айрим вакилларни тасдиқ қилмаслик тўғрисида тегишли Ижроия Қўмиталарига, шаҳар Советларига ва юқори турган сайлов комиссияларига тақдимот топшириш.

Сайлов компанияси тамом бўлгандан кейин сайлов комиссиялари тегишли юқори Ижроия Қўмиталарининг қарорлари билан тарқатиладилар.

Сайлов комиссиялари ўз ишларида тегишли Ижроия Қўмиталарининг техникавий аппаратидан фойдаланишлари белгилаб қўйилган.

Сайлов комиссияларининг аъзолари ўз ишлари учун алоҳида мукофот олмайдилар⁵.

⁵ Ўзбекистон Ижтимоий Шўро Жумҳуриятининг амалдаги қонунларининг мунтазам йиғиндиси. Самарқанд-Тошкент, «Ўздавнашр», 1930.

Совет Иттифоқининг ЎзССР доирасида яшаётган ҳамма фуқаролари ўзларининг тоифаларига, диний маслакларига, миллатларига ва бошқаларга қарамасдан, сайлов кунигача 18 ёшга тўлган бўлса ва ШЗССР Конституциясининг 92 – моддасида кўрсатилган кишилар барчаси, Советларга ҳамда Совет қурултойларига сайлаш ва ўзлари сайланиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Айниқса қуйида кўрсатилган кишилар сайлов ҳуқуқидан фойдаланадилар:

А) Давлат, жамоат касаба ва хусусий муассаса, корхона ва ташкилотлардаги ишчи, хизматчилардан хоҳ ишда бўлганлари ва хоҳ вақтинча ишсиз турганлари ҳамда уй ичидаги ишчи хотин қизлар. Шунинг билан бирга, шу кишиларни касаба союзига аъзо бўлмаганлиги уларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш учун асос бўла олмайди.

Б) Ишчи дехқон қизил қўшин флотидаги харбий хизматчилар, давлат сиёсий идораси аскарлари ҳамда милиция хизматчилари;

В) Ижтимоий суғурта тарбиясида турган кишилар, жаҳон ва Ўзаро уруш ногиронлари ва меҳнат ногиронлари;

Г) Уй хўжалиги билан шуғулланувчи кишилар ва сайлов ҳуқуқига эга бўлган кишилар тарбиясидаги ишга яроқсиз оила аъзолари.

Қуйида кўрсатилган кишилар агарда бошқа асосларга биноан сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилмасалар ҳуқуқдан маҳрум этилмайдилар:

А) Ўз хўжалигида алоҳида ахвол сабабли, чунончи оила ичида ишга яроқли эркакларнинг бўлмоғи, бева хотинлар, етимлар, майиблар хўжалиги, кўсалик, мобилизация, ишчи дехқон қизил қўшин сафида чақириш, хўжалиқдан айрилиб туришни талаб қилатурган жамоат ишига сайланиш сабабли бита доимий ёлланган ишчи меҳнатини қўлланган дехқонлар ва чорвадорлар;

б) донли ўсимликларни ва ўтларни даладан йиғиш учун лозим бўлган қизғин и швақтида **120**-киши куни Хоразмда эса **170**-киши куни миқдорида, мавсумда ишчилар ёллайтурган дехқонлар;

В) Ўзларининг сувлиқ ер майдонларининг энг камида яримисига пахта экатурган Пахтакор дехқонлар ҳамда боғчилик, тоқзорлик ва полизчилик хўжаликлари; агар шу хўжаликларнинг ўша навиларидан кўратурган даромади қишлоқ хўжалигининг солиқ солинитурган даромадининг энг камида яримисини-**170**-киши куни, Хоразмда эса **200**-киши куни ташкил этса;

Г) Дехқончилик билан шуғулланиб Ўз хўжалигида дехқончилик ишлари учун дехқонларга белгиланган норма доирасида ёлланма меҳнат қўлланатурган чорвадорлар; лекин шу вақтда мол подасини боқиш учун битта доимий ишчидан ва агар мол подаси хўжалик томонидан ишчи ёлланмасидан боқилса, дехқончилик ишлари учун битта доимий ишчидан ошмаслиги шарт.

Эслатма: Хўжаликлар, хайвонлардан келган даромад қишлоқ хўжалигидан ҳисоблаб чиқарилган даромаднинг энг камида яримисини ташкил этса чорвачилик хўжалиги бўлиб ҳисобланадилар.

Д) Мавсум вақтида ишлаш учун четга кетатурган вазир у ишлари даврида Ўз хўжаликларига бир ишчидан ошиқ бўлмаган, ёлланма меҳнат қўлланатурган дехқонлар ҳамда уларнинг оила аъзолари:

Е) 1925 йилги ер ислохоти тартибидан ерлари кесилган дехқонлар: лекин шу хўжаликларнинг ерлари кесилгангача ва кесилган кунда Ўзларининг меҳнат ҳаракатини сақлаши ва қандай бўлса, бошқа асослар билан сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган бўлиши шарт;

1925-1929 йиллардаги ер-сув ислохоти ўтказилган вақтда меҳнатсиз бўлиб саналган хўжалик кишилари сайлов ҳуқуқидан фойдаланмайдилар ва улар шу ҳуқуқларига район ижро комлари ва шаҳар Советларининг (қарорлари билан, сайлов дастурамалининг ХХІ моддаси тартибида умумий асосларга биноан ҳуқуққа киргизишлари мумкин.

Ё) Қишлоқ хўжалиги билан алоқасини узмаган ва ўз хўжалигида бир нафар доимий ишчидан ошмаган ёлланма меҳнат қўлланатурган ишчилар ҳамда фабрика ва завод ишчиларнинг оила аъзолари:

Ж) Ўзларинг ишлаб топган махсулотини бозорга чиқариб сотатурган дехқонлар, чорвадорлар ва балиқчилар:

З) Иморатдан кўрган даромати, даромат солиғи солинмайтурган маблағдан ошмай турган турар жой биноларининг эгалари;

И) Машина билан ишламай турган ва ёллама меҳнат қўлланмай турган ҳар хил корхоналар (мойжувоз, овжувоз, жунтозаловчи, биртошли тегирмон ва бошқалар)нинг эгалари, лекин уларнинг Ўз ишларини бошқаларга ойига топшириш йўли билан атрофидаги халқ кучидан фойдаланмай ва мазкур корхоналарнинг ижарага бермоғи шарт.

1) Ишчи ёлланмасдан хўжалигини меҳнат йўлида олиб бора турган ҳамда ишлаб чиқариш шароитига қараб бир нафар ёлланган ишчи кучидан фойдаланатурган ёки Ўз хўжалигини икки нафар шогиртлар меҳнати ёрдами билан олиб боратурган кўстарлар ҳамда майда ҳунармандлар.

Эслатма: шу банда кўрсатилган кустарлар ҳамда майда ҳунармандлар, фақат ўзлари ишлаб чиқарган ашёларини бозорга чиқариб сотган вақтларида ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинмайдирлар:

Й) Ўз вақтида мобилизация йўли билан оқлар қўшини сафида олинган ишчилар, меҳнаткаш дехқонлар ва отли қозоқлар, хизматчилар, кўстарлар вამ айда ҳунармандла;

К) Собик офицер, амалдорлар ва оқлар қўшиндагилардан оқлар қўшиндагилардан ҳамда босмачи шайқалари бошлиқларидан қўшиндан ишчи дехқон дизел қўшини сафида бўлиб Шўролар ҳукуматини қурол билан мудофа этишди фаол қатнашганлари ҳамда ҳозирги чоғда ишчи дехқон қизил қўшинидан ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлганлар

Эслатма-Шўролар ҳукуматини қуррол билан мудофа этишда фаол қатнашув деп Ўз аро уруш вақтида ишчи дехқон қушуни қисимларида ва бошқармаларида хох фронтда хох орқада ҳарбий вазифаларни бажаришни санаш керак

Л) Давлат заёмлари вўйинча чиққан ютуқлар ва уларнинг проссентлридан келган даромад билан ҳамда давлат меҳнат омонат пулларданкелган даромад билан яшовчи кишилар.

Эслатма-Шўролар иттифоқи граждaнларнинг белгиланган тартибда чет эллардан пул маблағлр қимматдорлар (пенсияа алимент суғурта мукофати вввва бошқаларни) олишлари шу кишиларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш учу насос бўла олмайди

М)1929-йил 1-январга қадар Ўз ихтиёрлари билан таслим бўлган ва ҳозирги вақитда жамоат учун фойдали меҳнат билан шуғулланувчи собик ҳамма оддий босмачилар (йигитлар) ;

Н) Алохида сабабларга биноан майда савдо билан шуғулланиб қаттиқ ставкалар бўйича солиқ солинадирган корхона ва косиблар жадвалининг 5-моддасига мувофиқ (хусусий корхона ва косиблардан олинатурган саноат солиғи тўғрисидаги низомномада бўлган 1-илова) саноат солиғи солинатурган меҳнат ва уриш майиблари ҳамда ишсизлик ёки вақтинча майиб бўлиш сабабли шундай майда совға билан вақтли равишда шуғулланувчи бошқа кишилар;

О) Ўз меҳнатлари учун давлат ва кооператив ташкилотлардан ҳамда давлат ёки кооператив капитали кўпроқ иштирок қилган аксиялик жамиятлардан просент мукофати олатурган кишилар

П) Ёллов ёки диний жамиятларнинг сайловлари бўйича диний ишларга ва ибодатхоналарга маъмурий хўжалик ҳамда техникаси томонидан хизмат этаётган кишилар чунончи: диний қасида ўқувчилар, арганчилар, қоравуллар, фаррошлар, қўнғирок урувчилар ва бошқалар ҳамда будхона Шўроси аъзолари:

Эслатма:-Шўролар ва мутавалилар агар шу касб улар учун асосий касб бўлиб саналмаса сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинмайдилар.

Р) Жамоат учун фойдали меҳнат билан шуғулланадигон озод касбдаги кишилар

Т) Сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган кишиларнинг оила аъзолари агар улар моддий томондан шу кишиларга боғлиқ бўлмасалар ва Ўз тирик чиликларини мустақил равишда жамоат учун фойдали меҳнат билан таъмин этсалар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилмайдилар;

Сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган кишиларнинг 1925-йилда ва ундан кейинги йиллардан вояга етган ва вояга етгунга қадар ота- оналари тарбиясида бўлиб ҳозирги чоғда мустақил равишда жамоат учун фойдали меҳнат билан шуғулланаётган боллари ҳам сайлов ҳуқуқидан гарчи улар ота-оналари билан бирликда турган бўлсаларда маҳрум этилмайдилар.

Ушбу бобга хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, совет давлатининг сайлов масаласидаги сиёсати бутун бошли миллатни бадном этиш жараёни билан боғланиб кетган эди. Республика хужалик раҳбарлари юқоридан бериладиган топшириқларни кўр-кўрона бажарувчи ижрочи шахсларга айланиб қолган эдилар.

1.2. Совет сайлов тизимини тоталитар характери. Советларнинг сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш сиёсати.

1917 йил 14 ноябрда Тошкентда амалга оширилган давлат тўнтариши натижасида ҳокимият советлар қўлига ўтди. 1917 йил 15 ноябрда Тошкент ишчи ва солдат депутатлари советларининг III Ўлка курултойи ўз ишини бошлади. 16 ноябрь кунги курултойга деҳқон депутатлари келиб қўшилди. Курултойда катнашаётган ҳал қилувчи овозга эга бўлган 114 депутатдан 52 нафари сўл эсерлар, 32 нафари большевиклар, 17 нафари ўнг эсерлар ва меньшевиклар, 13 нафари максималистлар партияларининг вакиллари эди. Курултойда маҳаллий халқ вакилларида атиги 27 киши қатнашди⁶. 19 ноябрда Курултой большевиклар ва максималистлар фракцияси номидан таклиф этилган “Ҳокимият тўғрисидаги декларация”ни қабул қилди. Унда шундай дейилганди: Большевиклар ва максималистларнинг бирлашган фракцияси мавжуд марказий ҳокимиятни ва уни ташкил этиш шаклини эътироф қилиш билан бирга, ишчи, солдат ва деҳқон советларининг Ўлка советини ўлканинг олий ҳокимият органи деб ҳисоблайди ва бундан буён бу олий ҳокимият органи Туркистон Ўлка Халқ Комиссарлари совети деб аталади...»². Ўлка Халқ Комиссарлари советига сайланган 15 аъзонинг 8 нафари сўл эсерлар, 5 нафари большевиклар, 2 нафари максималистлар партиялари вакиллари эди. Курултойда кўп тортишувларга сабаб бўлган масалалардан бири Ўлка Олий ҳокимият органи таркибига маҳаллий халқ вакиллари киритиш ёки киритмаслик масаласи эди. Бир қатор депутатларнинг қатъий туриб талаб қилишларига қарамай, ХКС таркибига биронта ҳам маҳаллий аҳоли вакили киритилмади. Курултой томонидан қабул қилинган декларацияда бундай иш тутилишининг сабаби сифатида маҳаллий аҳолининг янги ҳокимиятга нисбатан муносабати ноаниқ эканлиги ва мусулмонлар орасида ишчилар синфи ташкилотларининг йўқлиги кўрсатилди. Шунингдек, III Ўлка мусулмонлар курултойи номидан Шерали Лапин томонидан илгари сурилган Ўлка ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари советларидан 3, шаҳар ўз-ўзини бошқариш органларидан 3, ўлка мусулмонлар курултойидан 6 вакилдан иборат Туркистон ўлкасининг **коалицион** ҳукуматини, Ўлка советларининг III курултойидан 5, шаҳар ўз-ўзини бошқариш органлари курултойидан 5 ва Ўлка мусулмонлари курултойидан 14 вакилдан иборат «Туркистон ўлкаси советини тузиш ҳақидаги таклиф эътиборсиз қолдирилди. Бундан ташқари, бир қатор депутатлар томонидан Туркистонга мухторият ҳуқуқини бериш

⁶ Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 22-б

² Ўша жойда, 25-б.

ҳақида билдирилган таклиф ҳам қурултой қатнашчилари томонидан қўллаб-қувватланмади. Қурултой жойларда бутун ҳокимиятни советлар қўлига топшириш ҳақида қарор қабул қилди. Шу қарордан келиб чиқиб большевиклар қизил армия кучлари ёрдамида жойларда зўравонлик йўли билан совет ҳокимиятини ўрнатишга киришишди. Большевикларнинг бу сиёсати маҳаллий аҳолининг кескин қаршилигига учради. Жойларда норозилик йиғилишлари, намоёишлар бўлиб ўтди.

Большевикларнинг шовинистик ва зўравонлик сиёсатидан норози бўлган Туркистон ўлкаси туб аҳолисининг вакиллари 1917 йил 26 ноябрда Қўқонда ўлка IV умуммусулмонлари ғавқулдда қурултойга тўпландилар. 27 ноябрь кеч соат 18.00 да қурултой Туркистон мухториятини ташкил этиш ҳақидаги қарорни эълон қилди. Қурултой 28 ноябрда 54 нафар аъзо (36 нафари мусулмонлар ва 18 нафари ғайримусулмонлар) дан иборат Муваққат Халқ Шўросини ташкил қилишга қарор қилди.

Қурултой қарорига биноан, Муваққат Халқ Шўроси 12 аъзодан иборат Туркистон Муваққат ҳукуматини тайинлади. Ҳукумат турли масалалар юзасидан бир қатор ҳужжатлар қабул қилди, лойиҳалар ишлаб чиқиб, уларни матбуотда эълон қилди. Лойиҳалар орасида энг диққатга сазовори «Туркистон мажлисига сайловлар Низоми» лойиҳасидир. Унда кўрсатилишича, Туркистон Таъсис мажлиси Самарқанд, Каспийорти, Фарғона ва Сирдарё вилоятларининг вакилларида ташкил топиб, вакиллар умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва ёпиқ овоз бериш йўли билан (сайлов кунигача 20 ёшга тўлган фуқаролар томонидан) сайланади. Сайлов мусулмонлар учун уездларда, ғайримусулмонлар учун вилоятларда ташкил этиладиган округлар бўйича ўтказилади. Вакилларнинг умумий сони 234 нафар бўлиб, шундан 156 нафари мусулмонлардан, 78 нафари ғайримусулмонлардан сайланиши кўзда тутилган эди.

Туркистон Таъсис мажлисига қизғин тайёргарлик кетаётган бир вақтда, яъни 1918 йилнинг 19 январида Ўлка ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари советларининг IV қурултойи иш бошлади. Шу муносабат билан Туркистон мухторияти Муваққат ҳукумати қурултой номига телеграмма юбориб, 20 мартда Туркистон Таъсис мажлисини чақириш мўлжалланаётганлигини, вакиллик ўринларининг учдан бир қисми ғайримусулмонлар учун ажратилганлигини, кам сонли миллатларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари таъминланишини, ўлкада демократик принципларни ҳаётга татбиқ қилиш учун барча чоралар кўрилажагини билдирди. Бунга жавобан 1918 йил 23 январда Туркистон советларининг IV қурултойи Туркистон мухториятининг Муваққат ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари деб эълон қилди. Қурултой қарори асосида 1918 йилнинг

14 феввалида Туркистон Халқ Комиссарлари совети Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон қилди.

Шу воқеалардан сўнг, большевиклар маҳаллий аҳолининг хоҳиш истагига зид ҳолда, ўзларининг социалистик ғояларини иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий заминга эга бўлмаган Туркистонда амалга ошириш мақсадида қурол кучи ёрдамида бутун ўлкада совет ҳокимиятини ўрнатишга киришдилар. Большевикларнинг бу сиёсати маҳаллий аҳолининг кескин қаршилигига учради.

1918 йил 20 апрелда бошланиб 1 майга қадар давом этган Туркистон советларининг V курултойи 30 апрелда РСФСР таркибига кирувчи Туркистон Совет Автоном Республикасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди ва «Туркистон совет республикаси тўғрисида низом» ни тасдиқлади.¹ Курултой Туркистон Республикасининг Марказий Ижроия Комитетини ва Халқ Комиссарлар советини сайлади. Маҳаллий аҳоли вакиллари олий давлат органлари таркибига илк бор сайландилар: шунда ҳам улардан Марказий Ижроия Комитетга етти киши ва Халқ Комиссарлари советига тўрт киши сайланди, холос.

1920 йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган Советларнинг IX курултойи Туркистон АССРнинг Конституциясини қабул қилди. Конституциянинг V бўлимида актив ва пасив сайлов ҳуқуқи, сайловлар ўтказиш, уларнинг тўғри ўтганлигини текшириш, агар нотўғри ўтказилган бўлса, бекор қилиш, депутатларни муддатларидан илгари чақириб олиш билан боғлиқ қоидалар ўз аксини топган эди. Конституцияга биноан, диний эътиқоди, миллати, яшаш жойи, жинсидан қатъий назар сайлов кунига 18 ёшга тўлган совет фуқароларига сайлов ҳуқуқи берилди. Сайлов ҳуқуқи ишлаб чиқаришда иштирок этувчи ва умумфойдали меҳнат билан шуғулланувчи ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, давлат хизматчилари ва ҳарбий хизматчиларига берилди. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан наф кўриш мақсадида ўзгалар меҳнатидан фойдаланувчилар, меҳнатсиз даромад ҳисобига яшовчилар, хусусий савдогарлар, даллоллар, рухонийлар, собиқ полициячилар, жандармлар махсус корпуси ва соқчилар бўлимларининг агентлари, Россия ҳукмдорлари оиласи аъзолари, ақли норасо деб белгиланган тартибда тан олинган шахслар ва васий назорати остида бўлганлар, ғараз мақсадларда жиноят қилганлиги учун жазога ҳукм этилганлар маҳрум этилди, Ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг маълум бир қисмини ташкил этган Бухоро амирлиги ва Хева хонлиги устидан Россия протекторати ўрнатилгач, бу мамлакатларда сайлов ҳуқуқи жорий қилинмади. Сайлов ҳуқуқини қўлга киритиш учун Бухоро ва Хевада демократик кучлар — ёш бухороликлар ва ёш хеваликлар

¹ Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 26-б.

томонидан олиб борилган кураш муваффақиятсиз якун топди. 1920 йил февралда Хевада, сентябрда Бухорода амалга оширилган давлат тўнтариши натижасида Хоразм ва Бухоро Халқ Совет республикалари ташкил топди. 1920 йил апрели бошларида Хоразм Халқ Совет Республикасининг Марказий Сайлов Комиссияси томонидан ишлаб чиқилган «Сайлов қонуни» эълон қилинди¹. Қонунга биноан, жинси, миллати ва ирқидан қатъий назар сайлов қунигача 18 ёшга тўлган барча фуқароларга сайлов ҳуқуқи берилди. Бундай ҳуқуқдан судхўрлар, хон оиласи аъзолари ва унинг қариндошлари, аксилинқилобчилар маҳрум этилди. «Сайлов қонуни» 1920 йил 30 апрелда Бутун Хоразм Советларининг I Таъсис қурултойи томонидан қабул қилинган XXСР Конституциясига киритилди. 1921 йил май ойида бўлиб ўтган Бутун Хоразм Советларининг қурултойида Конституциянинг сайлов ҳақидаги қоидаларига бир қатор ўзгартиришлар киритилди: меҳнаткашлар Советига ўз меҳнати эвазига яшовчи ва ўзгалар меҳнатидан фойдаланмайдиган барча фуқаролар сайланиши мумкинлиги; сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан хон ҳокимияти даврида маъмурий полиция вазифасини бажарганлар, судхўрлар, олибсотарлик билан шуғулланувчилар, йирик ер эгалари — беклар, белгиланган миқдордан ортиқ ерга эга бўлиб, ўзгалар меҳатидан фойдаланувчи бойлар маҳрум этилди. Рухонийлар агар сайловчиларнинг 3/4 қисми уларга ижобий баҳо берагина сайлов ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин эди. 1923 йил 20 октябрда Бутун Хоразм Советларининг IV қурултойида қабул қилинган Хоразм Совет Социалистик Республикасининг Конституциясига биноан, ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи, меҳнатсиз даромад ҳисобига яшовчи шахслар; хусусий савдогарлар, савдо ва тижорат воситачилари; диний муассасаларнинг вакиллари ва рухонийлар; собиқ Хева хонлиги ҳукмдорлари, уларнинг қариндош-уруғлари, хон ҳукуматининг мансабдорлари, аксилинқилобчилар, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига очикдан-очик тажовуз қилувчилар ва бошқалар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиндилар.

1921 йил 23 сентябрда Бутун Бухоро Советларининг II қурултойи томонидан қабул қилинган БХСР Конституцияси бўйича сайлов қунигача 20 ёшга тўлган фуқароларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи берилди. Сайлов ҳуқуқидан ғаразли, ахлоқсизлик жиноятларини содир қилгани учун судланганлар; бошқа жиноятларни содир қилгани учун судланиб, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлар; қонунда белгиланган тартибда ақли норасо ва руҳий касал деб тан олинганлар; йирик ер эгалари ва капиталистлар; Бухоро амирларининг қариндош-уруғлари ва собиқ юқори мансабдорлар маҳрум этилдилар. 1923

¹ Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 27-б.

йил октябрь ойида бўлиб ўтган Бутун Бухоро Советларининг IV курултойида БХСР Конституциясига киритилган ўзгаришга биноан, сайлов ҳуқуқидан умумий қоида бўйича барча собиқ амир ҳукумати давридаги мансабдорлар, йирик савдогарлар, судхўрлар маҳрум этилдилар. Агар бу шахслар инқилоб ва совет ҳокимияти олдида алоҳида хизмат кўрсатган бўлсаларгина сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин эди.

1924 йилда Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши натижасида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топди. 1927 йил 30 мартда Ўзбекистон ССР советларининг II Курултойида қабул қилинган Конституцияга биноан, сайлов қунигача 18 ёшга тўлган барча фуқароларга диний эътиқоди, миллати, ўтроқлиги ва ҳоказолардан қатъий назар сайлов ҳуқуқи берилди. Конституция бўйича фойда олиш мақсадида ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи шахслар; меҳнат қилмай топилган даромадлар, чунончи, капиталдан олинган фоиизлар, корхоналардан олинган даромадлар, мулкдан ва ҳоказолардан тушадиган тушумлар ҳисобидан яшовчи шахслар; хусусий савдогарлар, савдо ва тижорат воситачилари; диний муассасаларнинг вакиллари ва рухонийлар; собиқ полициянинг, жандармлар алоҳида корпусининг ва соқчи бўлимларининг хизматчилари ва агентлари, собиқ маҳаллий маъмурий идораларнинг хизматчилари, бўлис ҳокимлари, овул ва қишлоқ оқсоқоллари; Россияда подшоҳлик қилган хонадонларнинг аъзолари, собиқ Бухоро амири ва Хева хони ҳамда уларнинг барча яқин қариндошлари, шуниндек, собиқ Россия империясининг полицияси, жандарм ва жазо органлари фаолиятига раҳбарлик қилган шахслар ҳамда собиқ Бухоро амирлиги ва Хева хонлигининг барча амалдорлари: рухий касал деб топилган шахслар; суднинг ҳукми билан ёки юқори органларнинг алоҳида қарори билан сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилдилар. 1937 йил 14 февралда Ўзбекистон ССР Советларининг Фавқулодда VI курултойида қабул қилинган Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон ССРнинг ёши сайлов қунигача 18 га етган барча фуқароларига, уларнинг ирқи ва миллати, жинси, диний эътиқоди, билим даражаси, ўтроқлиги, ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки ва ўтмишда қандай иш билан шуғулланганидан қатъий назар, сайлов ҳуқуқи берилди. Фақат қонунда белгиланган тартибда ақлдан озган деб топилган шахсларгина сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди. Конституцияда Ўзбекистон ССР нинг ёши 21 га етган ҳар бир фуқароси, ирқи, миллати, жинси, диний эътиқоди, билим даражаси, ўтроқлиги, ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки ва ўтмишда қандай иш билан шуғулланганлигидан қатъий назар, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати этиб сайланиши мумкин эканлиги ҳақида қоида белгилаб қўйилди.

Шунингдек, унда депутатлар сайлаш тенгдир; ҳар бир фуқаро бир овозга эга; ҳамма фуқаролар сайловда тенг иштирок этадилар, деган қоида ҳам ўз аксини топди.

1978 йил 19 апрелда Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи чақириқ олтинчи фавқулодда сессиясида қабул қилинган Конституцияга ва унга киритилган ўзгартишларга биноан, Ўзбекистон ССР фуқароларига халқ депутатлари Советларига ва сайлаб қўйиладиган бошқа давлат органларига бўладиган сайловларда қатнашиш ва уларга сайланиш ҳуқуқи берилди; барча халқ депутатлари Советларига депутатлар сайлови сайлов округлари бўйича умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши; депутатлар сайлашнинг умумийлиги, Ўзбекистон ССРнинг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эга эканлиги; Ўзбекистон ССРнинг 21 ёшга тўлган фуқароси Ўзбекистон ССР халқ депутати қилиб, 18 ёшга тўлган фуқароси халқ депутатлари маҳаллий советининг депутати этиб сайланиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Конституция бўйича суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган руҳий касалликка чалинган фуқаролар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар, шунингдек, суд қарори билан мажбурий даволаш жойларига юборилган шахслар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди; Ўзбекистон ССР фуқароси бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари иккитадан ортиқ Советнинг депутати бўлиши мумкин эмаслиги; Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари таркибига кирувчи кишилар, ана шу органларнинг раисларидан ташқари, идораларнинг, маҳаллий советлар ижроия комитетлари ҳакамлари ўзларини тайинлаб ёки сайлаб қўядиган советнинг депутатлари бўла олмаслиги кўрсатилди.

Конституцияда депутатлар сайлаш тенглиги: ҳар бир сайловчининг бир овозга эгаллиги, ҳамма сайловчилар сайловда тенг асосда иштирок этиши депутатларнинг тўғридан-тўғри сайланиши, уларни сайлашда, яширин овоз берилиши, сайловчиларнинг ўз истакларини билдиришини назорат қилишга йўл қўймаслиги; депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи меҳнат жамоаларига, жамоат ташкилотлари, олий-ўқув юртлари студентлари билан биргаликда ўқитувчилар ва хизматчилар жамоаларига, истиқомат жойларида сайловчилар йиғилишларига ва ҳарбий хизматчилар йиғилишларига берилиши; депутатликка номзодлар сонининг чекланмаслиги, сайлов олди йиғилишининг ҳар бир қатнашчиси муҳокама қилиш учун ҳар қандай номзодни, шу жумладан ўз номзодини ҳам таклиф қилиши мумкинлиги; сайлов бюллетенига исталганча номзод киритилишига йўл қўйилиши; сайловга тайёргарлик давомида округ сайловчилар вакиллариининг анжуманлари ўтказилиши мумкинлиги; сайловга тайёргарлик кўриш ва

уни ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатларнинг давлат ҳисобидан бўлиши: сайловларни ўтказиш тартиби ва кафолатлари ҳақидаги қоидалар ўз аксини топди. Бу конституциявий қоидалар Ўзбекистон ССРнинг олий ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар ўтказиш тартибини белгиловчи қонунларда янада аниқлаштирилди ва такомиллаштирилди.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб шуни қайд қилиш мумкинки, 1917 йил 7 ноябрь давлат тўнтаришидан Республикамиз мустақилликка эришгунгача бўлган даврда сайлов ҳуқуқи соҳасида катта ўзгаришлар рўй берди, бу ҳуқуқдан фойдаланувчилар доираси йилдан-йилга кенгайиб борди. Уни амалга ошириш тартиби тегишли қонунларда ўз аксини топди.

Лекин Конституцияга биноан, мустақил деб эълон қилинган СССР таркибига кирган республикалар, шу жумладан Ўзбекистон ССР сайлов ҳуқуқи соҳасида ҳеч қандай мустақилликка эга эмас эди.¹ Сайлов билан боғлиқ барча қоидалар марказдан белгиланган, республикаларнинг конституцияларида ва сайлов ҳақидаги қонунларида бу қоидалар айнан такрорланарди. Сайловлар якка партиявийлик асосида ташкил этилиб, бутун сайлов жараёни коммунистик партия органлари томонидан бошқарилар эди. Ҳар бир округдан юқоридан белгиланган номзод депутатликка сайланарди. Юқори партия ва давлат органларининг раҳбарларини, қандай йўл билан бўлмасин, депутатликка сайлаш, ўз ваколатини амалга оширишга қодир бўлмаган, фақат кўл кўтариб тасдиқлашни қойиллатадиган ишчилар ва деҳқонларни, зарур ҳолларда сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириб бўлсада, депутатликка ўтказиш «қонуний» тус олди. Айниқса, 70 - 80-йилларда халқнинг сайловга бўлган қизиқиши пасайиб кетди. Сайловларда фуқароларнинг шахсан овоз беришда қатнашмаслиги, бир неча киши учун бир кишининг овоз бериши, сайлов комиссиялари томонидан сайлов бюллетенларини сохталаштириш каби оддий бир ҳолга айланди. Депутатларнинг ўз сайловчилари олдида ҳисоб бериб туриши хўжакўрсингагина ўтказиладиган тадбирга айланди ва ҳоказо.

Собиқ шўролар даврида сайловлар мохирона ўйналадиган сахнавий томоша даражасига кўтарилганлигини кўпчилик яхши эслайди. Унда ҳамманинг ўз роли бўларди. Большевиклар диктатураси шароитида аҳолининг деярли юз фоиз бўлиши таъминланар эди ва ҳаттоки сайловда қатнашмаслик моҳият-эътибори билан сиёсий муҳолифлик деб баҳоланарди. Аслида, уни сайлов деб ҳам бўлмас эди. Негаки, сайловчилар танҳо битта, бирдан-бир номзод (партия раҳбари, колхозчи, сут соғувчи) учун овоз берардилар.

¹ Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 29-б.

Орадан вақт ўтиб, халқимиз Ўзбекистон мустақиллиги туфайлигина бутун дунё тан оладиган ва эъзозлайдиган ҳақиқий демократик кадриятларга ҳамнафас бўлди.

Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш совет ҳокимиятининг XX асрнинг 20-30 йилларидаги энг оммавий сиёсий чеклаш усули ҳисобланади. Расмий ҳужжатлар, юридик адабиётлар ва турли матбуот материалларида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар «шўрога ҳақсизлар», «ҳуқуқдан маҳрумлар», «ҳақсизлар» деб юритилган.

Бутунроссия Советларининг 1918 йил 10 июлдаги V съездида қабул қилинган Конституциясида фойда олиш мақсадида ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи, меҳнатсиз топилган даромадлар (сармоядан келган фоидаларга, савдо корхоналаридан келган даромадга, мулкдан келган унумлар) ҳисобига яшовчилар, савдогарлар, диний хизматчилар, собиқ миршаблар ва бошқа тоифадагилар қонун бўйича сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиниши кўрсатилган.

СССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1926 йил 26 сентябрда чиқарган «Советларга сайловлар тўғрисида» ги қарорига биноан Ўзбекистон ССР МИК “Советларга сайловлар тўғрисида” дастуриламал қабул қилди. ЎзССР МИК 1925 йил 16 октябрда чиқарган 166-сонли қарорига биноан амалга қўйилган «Советларга сайловлар тўғрисидаги дастуруламал» (ЎзССР қонунлар йиғиндиси 1925 йил 55-сон, 511-модда) бекор қилинди.

Советларга сайловлар тўғрисида дастуруламалга “Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган одамлар тўғрисида” деб номланган алоҳида боб киритилди, уннинг 36 моддаси қуйидагича ифодаланган:

Советларга ва Совет курултойларига қуйидаги одамлар сайланмайди ва сайлана олмайдилар:

а) фойда (қилиш) олиш мақсади билан илгариди ва ҳозирда ёлланма меҳнатдан истефода қиладурғон одамлар;

б) меҳнатсиз топилган даромадларга, чунончи сармоядан келган процентга, савдо корхоналаридан келган даромадга, мулкдан келган унумларга ва бошқа шунга ўхшашларга яшагучи одамлар;

в) сайловлар вақтига ўзларининг синфий ҳолатлари ёхуд илгарига фаолиятларига биноан сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг гуруҳига кирадиган одамлар.

37. Айрим гуруҳдаги фуқаролардан қуйидаги одамлар сайлов ҳуқуқидан фойдаланмайдилар.

а) рўзгорларини меҳнат асосида қурилган рўзгор доирасидан чиқарарлик даражада мавсумий ёки доимий ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи деҳқонлар.

Эслатма: бу ҳолда меҳнат асосида қурилган рўзгорнинг асосий аломати-ёлланма меҳнатнинг ёрдамчи сифатида бўлиши ҳамда рўзгорнинг меҳнатга иқтидорли аъзоларининг рўзгордаги кундалик ишларида иштирок қилишларидир.

б) деҳқончилик рўзғори билан бир қаторда косиб ва саноат муассасалари ва корхоналар (тегирмон, ёғжувоз ва шунга ўхшашлар) га молик бўлиб уларни доимий ёхуд мавсумий ёлланма меҳнат ёрдами билан идора қилган деҳқонлар;

в) ўз қўлларида бўлган қишлоқ хўжалик машиналари, ишчи ҳайвонлари ва бошқаларини тадрижий суръатда фойдаланиш учун халққа бериш йўли билан ўз атрофидаги халқни қул қиладиган ёхуд халқни қулликка тушурадиган шартларда халққа қарз (мол ёки ақча) йўли билан доимий суръатда шуғулланувчи одамлар;

г) доимий суръатда ёлланма меҳнат билан фойдаланувчи кустарлар ва ҳунаромандлар;

д) ишни ҳовлиларига бериб ишлатиш йўли билан халқнинг кучидан фойдаланувчи корхона эгалари.

е) хусусий савдогарлар ва олибсотарлар;

ж) хусусий савдогарлар ва воситачилар;

з) фабрика ва заводга ўхшаш корхоналарнинг ижарадорлари ва эгалари;

и) собиқ зобитлар (офицерлар) ҳамда оқ аскарларда хизмат қилган тўралар, аксилинқилоб ва босмачи тўдаларининг йўл- бошчилари;

к) Россия, Бухоро ва Хивада подшоҳлик сурган хонадоннинг аъзолари, илгариги полиция, алоҳида жандарим корпуслари ва охранка бўлинмаларининг хизматкорлари ва агентлари. Полиция, жандармерия, охранка бўлинмалари ва жазо идораларининг ишларида тўғридан-тўғри ёхуд эгри суръатда йўлбошчилик қилган одамлар; подшоҳ, амир ва хон ҳукуматининг ҳамда Колчак, Деникин, Врангел, Дутов, Корнилов, Керенский, Гетман ва Грузиядаги меншевик ҳукуматларидаги аксилинқилобчи ҳукуматларнинг хизматчилари ва одамлари, чунончи, министрлар уларнинг муовунлари, министрлик департаментлигининг директорлари, генерал-губернаторлари, ҳарбий ва граждан губернаторлари, ғавқулодда муҳофаза бўлган вақтда олий бошлиқ бўлган одамлар, губернатор муовунлари ҳамда илгариги Бухоро ва Хива ҳукуматларининг шуларга мувофиқ бўлган амалдорлари, чунончи, чор оғаси, даҳбоши, мирзабоши, кўрбоши, жевачи, қоровулбоши, мирохўр, тўқсабо, беклар, бий додхоҳ, иноқ, парвоначи, девонбеги, бий қушбеги, оталиқ, оғалиқ, эшик оғаси, қозикалон, қушбеги, қўпобон, раиси

калон, миршаб, закотчи, удайчи, қози, бий қўрғонбеги, ҳаким, ҳазиначи, шабгар, юзбоши, саркарда, тўпчибоши, лашкарбоши, жаллод, зиндонбоши, амлоқдор, қулли қушбеги, мирипоён (закотчи), дарвозабони арк, ясовулбоши, қорибоши, амир тарафидан тайинланган оқсоқоллар, тўпчибоши-аскар, мингбоши; хонлар ва уларнинг оила-хонадон аъзолари, хонликни идора қилишга тўғридан-тўғри муносабатда бўлган бек хўжалар, вазири меҳтарлар, девонбеги, эшик оғаси ҳамда хонликни идора қилишга тўғридан-тўғри муносабатда бўлган оиланинг аъзолари, миршаблар ва миршаб бошлиқлари, хоннинг марҳамлари, мушриб(вассал)лар, катта ариқларга хон тарафидан тайинланган мироблар, хон маҳкамасининг бош девонлари, мирзабошилар, хоннинг оқсоқоллари, волостнойлар, мадраса мутаваллари ва бошқалари; эски идора вақтидаги губерна ва туман бошлиқлари, дворян ҳамда алоҳида юмушларни бажарадиган амалдорлар, жинойт департаментларининг раиси ва аъзолари, суд палаталарининг прокурорлари ва прокурор муовунлари, бутун қисмдаги ҳарбий судларнинг раислари аъзолари, прокурорлари ва прокурор муовунлари, энг муҳим ишларни текширадиган терговчилар, вилоят, губерна маҳкамаларининг аъзолари, земский деҳқон ва туман ҳокимлари, исправниклар, полиция департаменти аъзолари, доҳилий (ички) ишлар вазирлигининг аъзолари ҳамда адлия вазирлигига қарашли қамоқхона идораларининг аъзолари;

л) бутун дин масхабларининг ҳозирги ва илгариги ходимлари;

м) белгиланган тартибда руҳий касалга мубтало ёхуд девона деб танилган ҳамда васий қарамоғида бўлган одамлар;

н) маъмурий суръатда сургунга юборилган одамлар, жиноий муҳит билан алоқадор бўлганлиги суд қарорига биноан ўзининг илгарида турган жойида туриш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлган одамлар.

1927 йилдаги Ўзбекистон ССР Конституциясида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи «Шўрога сайлаш тўғрисида»ги 6 бўлимининг 13-боби 92-93 моддаларида белгиланган⁷. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1927 йил 12 декабрдаги «Шўроларга сайловлар тўғрисида дастурамал (инструкция)»ларида⁸ эса сайлов ҳуқуқидан фойдаланмайдиларга тавсиф берилган. Унга кўра:

⁷ Ўзбекистон Ижтимоий Шўро Жумхуриятининг амалдаги қонунларининг мунтазам йиғиндиси. Самарқанд-Тошкент, «Ўздавнашр», 1930, 27-28 бетлар.

⁸ «Шўроларга сайловлар тўғрисида дастурамал». ЎзССР Ишчи ва деҳқон ҳукуматининг қонун ва буйруқларининг йиғиндиси. 12 декабрь 1927 йил. № 38.

а) рўзгорларини меҳнат асосида қурилган рўзгор доирасидан чиқарарлик даражада мавсумий ёки доимий ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи деҳқонлар.

Эслатма: бу ҳолда меҳнат асосида қурилган рўзгорнинг асосий аломати-ёлланма меҳнатнинг ёрдамчи сифатида бўлиши ҳамда рўзгорнинг меҳнатга иқтидорли аъзоларининг рўзгордаги кундалик ишларида иштирок қилишларидир.

б) деҳқончилик рўзгори билан бир қаторда косиб ва саноат муассасалари ва корхоналар (тегирмон, ёғжувоз ва шунга ўхшашлар) га молик бўлиб уларни доимий ёхуд мавсумий ёлланма меҳнат ёрдами билан идора қилган деҳқонлар;

в) ўз қўлларида бўлган қишлоқ хўжалик машиналари, ишчи ҳайвонлари ва бошқаларини тадрийжий суръатда фойдаланиш учун халққа бериш йўли билан ўз атрофидаги халқни қул қиладиган ёхуд халқни қулликка тушурадиган шартларда халққа қарз (мол ёки ақча) йўли билан доимий суръатда шуғулланувчи одамлар⁹ ва х.з.

Кейинчалик дастурамалга мамлакатдаги сиёсий вазиятга қараб Совет ҳокимияти олиб бораётган тадбирларга нисбатан норозилик кайфиятида бўлганларни йўқ қилиш мақсадида айрим ўзгартиришлар ва шарҳлар киритилиб борилди.

Бутун Совет иттифоқида бўлгани каби Ўзбекистода ҳам Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини чекланиш амалиёти олиб борилди. Бу биринчи навбатда сайловчиларни рўйхатга олиш жараёнида рўй берди. Совет сайловларига таёрланиш уни ўтказиш даврида сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган кишиларнинг рўйхати фақат шаҳар ва қишлоқ сайлов комиссиялари томонидангина тузилиб, қишлоқ жойларида район Ижроия кумиталари томонидан шаҳарларда эса тегишлинча шаҳар ва район Советлар томонидан тасдиқ қилинади. Сайлов компаниялари ўртасидаги давр ичида шу рўйхатга суд бўйича сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган кишилар ҳамда ГПУ идоралари томонидан маъмурий тартибда сургун қилинган кишилар киргизилади. Қишлоқ жойларида мазкур кишиларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлар рўйхатига киргизиш иши район Ижроия кўмиталарига шаҳарларда эса тегишинча шаҳар ва район Советларига юклатилади.

Эслатма: шу моддада кўрсатилганлардан бошқа ҳеч қандай идора ва ташкилотлар, чунончи маҳала комиссиялари фабрика завод Кўмиталари маҳалақўмлар кишиларни ҳуқуқсизлар рўйхатига киргиза олмайдилар (ёки ҳуқуқдан маҳрум қила олмайдилар)

8. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган кишиларнинг район иэжро комлари шаҳар ва район Советлари томонидан тасдиқ қилинатургон рўйхатлари умумий маълумот учун

⁹ Шўроларга сайловлар тўғрисида дастурамал». ЎзССР Ишчи ва деҳқон ҳукуматининг қонун ва буйруқларининг йиғиндиси, 12 декабрь 1927 йил. № 38, 243-модда.

матбуот орқали ёки сайловлардан 14 кун илгари шу рўйхатни осиб қўйиш йўли билан эълон қилинади.

9. Ўз.И.Ш.Ж. қонун асосининг 14 моддасига биноан Ўз.И.Ш.Ж. тупроғида яшаган чет эл ишчилари ва чет кишилар кучидан фойдаланмай турган деҳқонлар сайлов ҳуқуқига эга бўладилар. Сайлов комиссиялари Ўз.И.Ш.Ж. тупроғида яшаган чет эл граждандаридан хизматчилар категориясидан бўлганларга ҳам сайлов ҳуқуқи бера оладилар, башарти шу граждандар ўртасида уларнинг Совет ҳукуматига нисбатан тўла ишончли ҳамда яхши муносабатда бўлганликлари ҳақида етарли асослари бўлса.

10. Чет элларнинг Ўз.И.Ш.Ж. тупроғида яшовчи ва меҳнатсиз яшовчилар категориясига қарашли бўлиб, Ўз.И.Ш.Ж. қонун асоси ҳамда шу дастур амалга мувофиқ сайлов ҳуқуқидан фойдаланмаган граждандарни ҳуқуқсизлари рўйхатига киритилмайди.

11. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг рўйхати албатта ҳужжатли асосларга биноан тузилади.

12. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган граждандарнинг тасдиқ этиган рўйхатидан шу рўйхатида нотўри киргизилган граждандарни чиқариш иши шу рўйхатларни тасдиқ қилган идоралар (район ижроия қўмиталари, тегишинча шаҳар ва район Советлари) томонидан ҳамда Ўз.И.Ш.Ж. марказий сайлов комиссияси томонидан бажарилади.

13. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлар рўйхатига киргизилган кишилар шу тўридаги қарор устидан Ушбу дастурул амалнинг 14,18 моддалари таркибида шикоят бера оладилар.

14. Шикоятлар, рўйхатни тузган сайлов комиссиясига берилади.

15. Сайлов комиссияси шикоятни олгандан кейин 3 кунлик муддат ичида уни ўз фикри билан бирликда район Ижроия қўмитасига ва тегишинча шаҳар вакил район Советсига юборишга мажбурдир.

Қишлоқ сайлов комиссиялари ўзларига келган шикоятларни район сайлов комиссияси орқали район Ижроия қўмитасига юборадилар.

16. Район ижроия қўмитасига, район сайлов қўмитасига ва шаҳар сайлов комиссиясига келган шикоятлар, улар томонидан 3 кунлик муддат ичида қўрилиб улрнинг фикрлари билан биргаликда район ижроия қўмитасига ёки тегишли шаҳар Советсига юборилади. Район ижроия қўмитасини ёки шаҳар Советсининг президенти 3 кунлик муддат ичида қўрилиб уларнинг фикрлари билан бирликда район ижроия қўмитасига ёки тегишли шаҳар Советсига юборилади. Район ижроия қўмитасининг ёхуд шаҳар Советсининг Президенти шикоятни 3 кун муддат ичида қўриб чиқиб ўз қарорини шикоятчига тегишли сайлов комиссияси орқали билдиради.

Район ижроия қўмиталари шаҳар Советлари томонидан ҳуқуқсизлар рўйхатига нотўри киргизилганлик тўғрисида гражданлар томонидан берилган шикоятлар қуйидагича топширилади:

Район Ижрокўмларига боғлиқ бўлган шаҳар Советлари қарори устидан район ижрокўмлари ва мустақил маъмурий хўжалик ажратилга шаҳари Советларнинг қарори устидан бўлса, марказий сайлов комиссиясига, марказий сайлов комиссияси ўзига келган шикоятни 7 кунлик муддат ичида кўриб, ўз қарорини шикоятчига билдиради.

18. Сайлов ишлари тўғрисида ҳукалат муассасаларига ва хизмат кишиларига мурожат қилиб, ҳамда ўша муассаса ва кишилар томонидан сайлов ишлари ҳақида бериладиган ҳужжат ва шикоятлар пул чиқимларидан озод этиладилар.

19. Сайлов ҳуқуқидан нотўғри маҳрум этилганлик тўғрисида ҳукуматнинг юқори идорасига шикоят берилган кишиларга нисбатан уларнинг шикоятлари кўрилиб қатъий бўлгунга қадар Советларда иштирок этиш ҳуқуқини чегаралашдан бошқа ҳуқуқларг чек қўйиш чоралари кўрилмайди.

20. Сайловчиларга ўз сайлов ҳуқуқларини юзага чиқаришда тўсқинлик қиладиган кишилар Ўз.И.Ш.Ж. гача тузганининг 17- моддаси бўйича маслаҳатга тортиладилар.

Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш жараёнида сайлов қонунчилигининг бузилиш ҳолатлари кўпайди. Коллективлаштириш жараёнидаги ихтиёрийлик тамойили қўпол равишда бузилиб, қонунбузарлик, зўравонлик авж олди. Ўз еридан, мол-мулкидан ажралишни истамаган, коллективлаштиришга қарши бўлган қишлоқ аҳолисининг ишбилармон, тадбиркор ва сиёсий жиҳатдан фаол қисмига нисбатан солиқ ва кредит(қарз) сиёсатидаги чекловлар, сувдан маҳрум қилиш чоралари билан бир қаторда, сайлов ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мол-мулкнини мусодара қилиб, бутун оиласи билан мажбурий кўчириш сиёсати амалга оширилди.

Дастурамалда деҳқонларнинг сайлов ҳуқуқидан маҳрум қиладиган иқтисодий жиҳатлар таърифланган бўлсада, ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ хўжаликларини белгилашда айнан шу кўрсаткичлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. ЎзССР Халқ Комиссарлар советининг 1930 йил 6 апрелдаги «Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодекси тадбиқ этилиши лозим бўлган қулоқ хўжаликларининг белгилари ва шундай хўжаликларни ҳисобга олиш тартиби» тўғрисидаги қарорида «қулоқ» қилинадиган деҳқон хўжаликларнинг белгилари кўрсатилди¹⁰. Аммо, амалиётда қўллаш жараёнида қарордаги меъёрлар бузиб талқин қилинди. Колхоз тузумига қарши бўлган

¹⁰ Каранг, Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш қулоқлаштириш, сургун. Т, НМАК «Шарк» , 2003, 88-бет; Трагедия среднеазиатского кишлака...Т.1, 376-378-бетлар.

ўрта ҳол ва камбағал деҳқонлар ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, «қулоқ»қа тортилиши одатий ҳолга айланди.

Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар нафақат сиёсий, балки фуқаролик ҳуқуқларидан ҳам маҳрум қилиндилар. Иш жойларидан бўшатиладилар¹¹, қасаба уюшмаларига, колхозларга аъзоликка қабул қилинмадилар. 1929-1935 йилларда жорий қилинган товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотлар олиш карточкалари берилмади¹², бирон-бир лавозимга тайинланиши¹³, олий ва ўрта-маҳсул билим юртига ўқишга кириши¹⁴ мумкин бўлмади.

1930 йилда ЎзССР МИҚ қарори билан қабул қилинган “Ўзбекистон ССР Советларига сайлов ҳақидаги НИЗОМНОМА” га кўра. Эксплотатурлар синфига (помешчик, буржуазия, диний маззаб ишчилари) қарашли бўлгани учун сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган кишилар ҳамда плитция, жандарм ва турмаларнинг собиқ пастки технический ишчилари, агар улар энг камида 5 йил ичида жамоат учун фойдали меҳнат билан шуғуллансалар ва ўзларини Совет ҳукуматиға нисбатан яхши назарда эканлигини исбот қилсалар сайлов ҳуқуқига киргизилсалар мумкин бу кишилар район ёки шаҳар (мустакил маъмурий вахид бўлиб ажратилган шаҳарнинг сайлов комиссияларнинг қарор билан, тегишли ижроия қўмитаси, шаҳар Советларининг Ўз.И.Ш.Ж. Марказий ижроия тасдиғидан (тегишинча) кейин сайлов ҳуқуқига киргизиладилар

Эслатма:- Шу моддада кўрсатилган кишиларнинг ҳозирда қасаба саюзига аъзо бўлганлари, тегишли илтимослар бўлган чоғда, марказий идоралар томонидан 5-йиллик меҳнат стажидан бошқа ҳам ҳуқуққа киргизилсалар мумкин.

22. 20-моддада кўрсатилган палитция, жандарма ва турма маъкамаларининг пастки технический хизматчилардан бошқа шу дастуриламалнинг 6-моддасидаги “Н” ва “О” бандларида кўрсатилган ҳуқуқдан маҳрум этилган кишилар айрим ҳолларда Ўз.И.Ш.Ж. Марказий Ижроия қўмитаси президиумининг алоҳида қарорлари билан сайлов ҳуқуқига киргизила оладилар, башарти шу кишилар ҳозирги вақтда жамият учун ўйдалди меҳнат билан шуғулланиб Совет ҳукуматиға нисбатан ўзларини энг яхши томонда кўрсатсалар.

¹¹ Анджион вилоят давлат архиви (АВДА) 186-фонд, 1-руйхат, 76-иш, 516-518-бетлар.

¹² Красильников С.А. На изломах социальной структуры: маргиналы в послереволюционном российском обществе (1917-конец 1930-х гг.) <http://zaimka.ru/soviet/krasnl1.shtml>

¹³ Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.1, 171-бет.

¹⁴ Татьяна Славко. Лиценцы на материалах крестьянских судебных уральцев. лишенных избирательных прав в 1918-1936 гг. Нижний Тагил, 2001.

23. Маъмурий тартибда сургун қилинганлар ҳамда суд ҳукми бўйича сайлов ҳуқуқидан маъмур этилган кишилар **(6-модданинг “S” банди)**, агар улар маъмурий ёки суд тартибидаги жазо чораларининг муддати тамом бўлганга қадар бошқа асослар бўйича шу ҳуқуқлардан маъмур этилмасалар тегишли ҳукумат идорасининг махсус қароридан бошқа сайлов ҳуқуқига киргизадилар.

24. Юқори турган Совет ва ижроия қўмиталари томонидан сайлов ҳуқуқига киргизилган кишилар шу асослар бўйича қуйи ҳукумат идоралари томонидан ҳуқуқидан маъмур қилина олмайдилар.

25. Илган илтимослари Ўз.И.Ш.Ж. Советлар Марказий ижроқўмининг президиуми қарори билан рад қилинган кишилар ўша рад қилинган кундан бошлаб бир йиллик муддат ўтганга қадар иккинчи илтимос қўзғата олмайдилар. Бундай вақтда фақат яъни, очилган ахволлар бўлган ёки касаб ва жамоат ташкилотлари томонидан илтимос қилинган чоғлардагина истиснога йўл қўйилади.

Советларнинг аргар сиёсати ва амалиётига қарши Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон қишлоқлари аҳолисининг 1930 йилларнинг бошларидаги норозилик чиқишлари, ғалаёнлари натижасида сиёсий вазият ўта кескинлашди. ОГПУ маълумотларига кўра, колхоз қурилишига қарши чақириқлар билан бирга «Ҳақсизлар ҳуқуқи тиклансин», «Ҳақсизлар рўйхати йўқ қилинсин», «Шўроларга қайта сайлов ўтказилсин» деган талаблар энг кўп ўртага ташланган¹⁵. Ҳатто, жамият ижтимоий ҳаётдан ноҳақ четлаштиришларга норозилик белгиси сифатида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари ҳам юз берган. Қўқон районидаги Тандир қишлоғидаги сайлов ҳуқуқидан маъмур қилинган фуқаро колхозга қабул қилинмаганлиги учун ўзини пичоқлаб ўлдирмоқчи бўлган¹⁶.

ЎзССР МИК 1930 йил 9 апрелда «Фуқароларни сайлов ҳуқуқидан маъмур қилиш ишида йўл қўйилган хатоларни тузатиш тўғрисида» қарор қабул қилди¹⁷. Қарор асосида тузилган комиссияларнинг текширишлари натижасида «ҳуқуқсизлар рўйхати»ни тузишдаги қонун бузилишлари аниқланиб, бу рўйхатларнинг кўпчилиги бекор қилинди. Аммо, жойларда ўзбошимчалик давом этди, шахсий адоват натижасида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни чеклаш амалиётини йўқотишнинг самарали механизми ишлаб чиқилмади.

Ҳуқуқбузарликлардан норозиларнинг сайлов ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги талаблари Иттифоқ миқёсида оммавий тус олди. ВКП(б) ва Совет ҳукумати бу масалани қайта

¹⁵ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш кулоқлаштириш, сургун. Т, НМАК «Шарк», 2003, 162-163 бетлар.

¹⁶ Трагедия среднеазиатского кишлака... Т.1, 134-бет.

¹⁷ АВДА. 186-фонд, 1-рўйхат, 439-иш, 484-варақ.

кўриб чиқишга мажбур бўлди. 1936 йил 25 ноябрдаги СССР Конституциясининг 135 моддасига асосан барча ҳақсизларнинг сайлов ҳуқуқлари тикланди¹⁸.

Совет ҳокимияти 1918-1936 йиллар давомида сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий сабабларга кўра сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш орқали қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсатига қарши бўлган, сиёсий жиҳатдан фаол бўлган аҳоли қатламларини ҳуқуқий асосда чеклашга муваффақ бўлди.

Хулоса ўрнида, коммунистик мафкура асосида олиб борилган сайлов сиёсати “Ленинча-Сталинча” бир тарафлама ғояларга асосланиб, сайловларни ҳал қилиш борасида партиянинг ҳуқуқи ва имтиёзлари устун турди. Республика раҳбарияти собиқ СССРнинг бошқарув тизимига бойсунди ва Ўзбекистон халқ хўжалигида маҳаллий раҳбар кадрларнинг туб манфаатларини ҳисобга олишни мўлжалламади. Ушбу тизимнинг кадрлар сиёсатида ҳам олиб борган режаси Республика салоҳиятини оширишга хизмат қилса-да, олинаётган фойдадан копрок марказ манфаатдор бўлди.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ССРДА 1936-54 ЙИЛЛАРДАГИ САЙЛОВ ТИЗИМИ.

2.1. Сайлов комиссияларининг фаолияти.

Миллий истиклолнинг ўзига хос томонларидан бири тарихни тазиқлардан, мафкуравий босимлардан холи тарихий ворисийлик ва узвийлик тамойилларига асосланган ҳолда ёритишдан иборат. 70 йилдан ортиқ вақт давомида ҳукмронлик қилган коммунистик мафкурага асосланган совет давлати даврида кадрлар сиёсати борасида адолат, тенг ҳуқуқлик, барқарорлик бўлмади, аксинча, жараёнлар маъмурий-буйруқбозлик йули билан ташкил этилган мафкурага бўйсунди. СССРнинг коммунистик раҳнамолари фақат марксизмнинг назарий йул-йуриқари ва буюк давлатчилик тафаккури

¹⁸ Конституция (Основной закон) СССР 1936 г. http://cccp.narod.ru/work/book/konst_1936.html

фалсафасига амал қилиб, бошқа иттифоқдош республикалар катори Ўзбекистонни қарамлик асоратида сақлашдан иборат умумий стратегия руҳидаги сиёсий йўлни қатъий амалга ошириб келди.

Совет давлати янги қурилаётган вақтларда «пролетариат доҳийлари» булган К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин кабиларнинг таълимотлари асосида ҳаёлий жамият-коммунизм қуриш йулидан бориш кенг тарғиб қилиниб, уларнинг ҳаёти ва фаолияти кукларга кутарилиб макталган ҳолда меҳнаткаш халқ онгига мажбуран сингдирилиб, кадрлар масаласи билан ишлашда ҳам коммунистик партияга энг муҳим ташкилотчи функция сифатида қаралди ва партияга «инқилобий» ҳаракатни уюштира оладиган, бу ҳаракатга раҳбарлик қиладиган уз сиёсий йўлбошчиларини, уз илгор вакилларини етиштириши лозим булган ташкилот эканлиги таъ- кидланди¹⁹. Натижада КПСС томонидан шундай кадрлар сиёсати ишлаб чиқилдики, унга кура совет тузумининг табиий моҳиятидан келиб чиқиб, кадрлар сиёсати махсус «қолип»га солиниб, узига хос партия ҳукмронлиги шаклланиши лозим эди. Булар, биринчидан, кадрлар муаммоси ва масалаларини ҳал этишда сиёсий йўлни танлашдаги мутлақо алоҳида ҳуқуқ;

иккинчидан, кадрларнинг сифат таснифи мезон ва курсаткичларини, шу жумладан, уларнинг стратегик мақсади, вазифаларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш ва танлашни белгилашдаги яккабошлик ҳуқуқи;

учинчидан, тузумни доимий сақлаб қолиш ва жамият ҳаёти фаолиятининг барча соҳалари устидан назорат урнатиш мақсадида раҳбар идораларни танлаш, жой-жойига қўйишни марказлаштирилган тартибда бошқариш ҳуқуқини таъминлаш билан мужассамлашади

Собш иттифоқ даврида коммунистик мафкура давлат сиёсатининг ғоявий қуроли сифатида хизмат қилди, мафкурадаги яккахокимлик, синфийлик тамойили давлат кадрлар сиёсатининг асосий негизини ташкил этди.

Давлат кадрлар сиёсатида жамиятнинг ижтимоий тизими «ишчилар синфи», «колхозчи деҳқонлар» ҳамда «зиёли» каби синф ва қатламларга булинган булиб, жамиятга қарашнинг ўзгариши янги тамойилларнинг пайдо бўлиши «марксча-ленинча» бир тарафлама мафкурага асосланди ва шаклланди. Кадрлар онги ва тафаккуридан миллийлик, ватанпарварлик, фидойилик, бунёдкорлик, ишбилармонлик фазилатлари ўрнида кўпроқ «эҳтиёткорлик», «тобелик», «ито- аткорлик», «ижодкорлик» сифатлари намоён булди²⁰. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда ҳам унинг шу сифатлари

¹⁹ В.И.Ленин. О политехническом образовании, полн. собр. соч., том 42. - С. 298-299.

²⁰ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет муштамлақачилиги даврида. - Тошкент: Шарк, 2000. - Б. 505.

устуворлик қилди. Марказ манфаатларига бўйсунган, «садоқатли» кадрларни тайёрлаш, акс ҳолда улар билан тегишли тарзда «маъмурий тарбиялаш» чора-тадбирлари ягона мақсадга бўйсундирилиб, Собик иттифоқ давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ташкил этди. Шунинг учун ҳам, совет тузуми даврида давлат мамлакат бошқарув тизимидан тортиб, халқнинг кундалик турмуши ва истиқболига дахлдор булган ҳар қандай катта-кичик масалаларни ҳал этишни номигагина ўз зиммасига олиб, амалда купрок шиорбозлик билан шуғулланганлиги учун меҳнаткаш халқ ишлаш ҳуқуқига эга бўлиб, «меҳнат» деб аталган ҳиссиз машинанинг мурватига айланиб қолган эди.

XX асрнинг 30-50 йилларида сайлов сиёсати бир ёклама сиёсат, шахсга сиғиниш ва халқни камситиш тарзида ўтказилган эди. Бунга мисол қилиб ўша даврда чоп этилган баланд овозли мақолаларни мисол қилиш мумкин. Мисол учун “Пахта учун кураш” газетасида-“Бугунги республикаимиз меҳнаткашлари ўз олий ҳокимият органини сайлайдилар. Ўзбек халқи бугунги умумхалқ байрами-Олий Советга сайлов кунини зўр тантана билан байрам қилаётир.

Ўзбек халқининг бугунги байрами - Ленин – Сталин партияси атрофига, коммунизмнинг улуғ меъмори дохий Сталин теварагига янада яқинроқ ва мустахкамроқ уюшганликнинг тантанаси намойишига айлонди.

Бу сайловлар совет халқининг маънавий-сиёсий бирлигини яна бир марта намойиш қилади. Миллионлаб меҳнаткаш депутатликка биринчи умумхалқ номзоди ўртоқ Сталин номини дилга жо қилиб, улуғ доҳининг “Правда” мухбири билан қилган суҳбатидан таъсирланиб, сайлов кутилари ёнига келадилар. Ўртоқ Сталининг суҳбатида бутун дунёда тинчлик учун кураш программаси баён қилинган.

Большевиқлар партияси ва Улуғ Сталин раҳбарлиги ҳамда етакчилигида республикаимиз идустрлашган, коллективлашган ва маданият гуллаб-яшнаган илғор социалистик республикага айланди.

Илгари чор Россиянинг қолоқ ўлкаси бевалюциядан баўлган республикаимиз ҳозирги даврда ревалюциядан илгариги даражадан бир неча юз даража ортди, янгидан тўқимачилик озиқ-овқат ва енгил саноат, бинокорлик материаллари саноати вужудга келди, ерости бойликларининг кўплиги нефть, тошкўмир, тоғ маъдан саноатини яратиш имконини берди.

Республикаимиз меҳнаткаш деҳқонлари совет ҳокимияти, колхоз тузуми туфайли бадавлат ҳамда маданиятли ҳаёт кечирмоқда. Республикаимизда ҳозирги замон машиналари билан қуролланган кўп МТСлар тузилди, жуда кўп миқёсли ирригация

ишлари олиб борилди. Саҳроларга каналлар чиқарилиб, чўл-биёбонлар большевикларнинг иродаси билан гулистонга айлантирилмоқда.

Большевиклар партияси раҳбарлиги остида республикамиз ёппасига саводхон, юқори маданиятли мамлакатга айланди.

Республикамизда меҳнаткашлари ўз социалистик миллий давлатининг олий ҳокимият органи сайловига ишлаб чиқаришда зўр ғалабалар билан келдилар. Шу жумладан районимиз колхозчилари ҳам сайлов кунини кўкламга тайёрлик кўришни қизитиб юборганлари ҳолда кутиб олаётирлар.

Шубҳа йўқки, бугун бутун ўзбек халқи, шу жумладан районимиз меҳнаткашлари коммунистлар билан партиясизлар сталинча блоки номзодларига мамлакатимизнинг бундан кейинги ҳам тез суръатлар билан ривожланиши учун, ўзларини бахтли ҳаёти учун, тинчлик учун яқдиллик билан овоз берадилар.”²² каби мақолалар билан соддадил халқ онгини чалғитиш йўли билан сайлос сиёсатини олиб борганлар. Бунга мисол ўрнида эса ўша давирдаги давлат раҳбари Ўртоқ И.В.Сталиннинг 1937 йил 11 декабрда Масква шаҳар Сталин сайлов округи сайловчиларининг сайловолди йиғилишида сўзлаган нуткида “...Депутат ўзининг халқ хизматкори эканлигини, халқнинг Олий Советга юборган элчиси эканлигини билиши лозим. Бу йўлдан чиқдингми, сайловчилар янги сайловлар тайинлашни талаб қилишга ва йўлдан тойган депутатни тушириб қўйишга ҳақлидирлар”²³- деб депутат кадрларни гўёки янги йўлдан ҳаққоний сайловларга таййорлагану лекин амалда бунинг тескари сиёсата амалга оширилган.

XX асрда шахсга сиғинишнинг кучайган даврида оддий ишчи халқни кўплаб газета ва журналлар чоп этилган мақоллаларидан ҳам кўриш мумкин.

²². Андижон Вилоят Давлат архиви, 335 фонд 28 рўйхат 1 иш 811 бет.

²³. Ўша жойда ўша бет.

Бунга такид ўрнида эса “Пахта учун кураш”газетасининг 1951 йилдаги 25 февраль 11сонида чоп этилган Куйбишев номли 1-сон ўрта мактабнинг ўқитувчиси Ф.Б. Бахтиозининг “Мустаҳкам тинчлик учун овоз бераман” мақоласида – Мен ўзимнинг шарафли гражданлик бурчими адо этиш учун сайлов кутиси ёнига ҳурриятпарвар инсониятнинг энг олий нияти бўлган мустаҳкам тинчлик учун овоз беришга ҳаммадан илгари бораман.

Мен коммунистлар блан партиясизлар сталинча блокнинг номзодлари учун, умухалқ, номзоди, совет кишиларининг ва совет зиёлиларининг буюк ғамхўри

жонажонимиз Улуғ Сталин учун, районимизнинг мкшхур теримчиси, ўзбек ҳалқининг содиқ фарзандларидан бири бўлган Турсуной Ашурова учун овоз бераман.

Ўзбекистон ҳокимиятининг олий органига депутат қилиб сайлоётган кишиларимиз республикаимиз кечиришлари учун, социалистик саноат ва қишлоқ хўжалигимизнинг янада ривожлантириш учун, болаларимизнинг яхши билим олиб, коммунизм қуручиларнинг актив иштирокчилари бўлиб етишлари учун қучларининг борица қурашадилар. Мана шу туфайли мен коммунистларларга овоз бераётганим учун фахрланаман²⁴ -деб ёзган . сайловлар аввалида мажлислар чақирилиб бунга асосан қарорлар чиқарилган ва протокол сифатида киритилган.Бундай қарорлардан бири 1955 – йил 6 январ кунда Булоқбоши райони Булоқбоши қишлоқ советидаги 2-сон тўлуксиз мактаб қасаба союз ходимларнинг йиғилиши бўлиб союз азоларидан 17 киши иштирок этди. Мажлис раиси: Солиев Н. Секретари: Османова Г.

Қун тартиби: Область советига сайлов ўтказувчи 40- Булоқбоши сайлов комиссия составига номзод қўрсатиш ҳақида.

²⁴.Андижон вилоят Давлат архиви.28/7 фонд “Протокол окружной избирательной комиссии” 108-б.

Ўртоқ Солиев сўзи: Мехнатқашлари депутатлари область Советига сайлов ўтказувчи 40-Булоқбоши сайлов округи комиссия составига бизнинг ташкилотимиздан бир кишини номзодини қўрсати лозим.

Партия учун сўз ўртоқ Османова сўзи: Мен Область Советига сайлов ўтказувчи 40-Булоқбоши сайлов округ комиссия составига ўртоқ Сайназарова Тожибарханни номзодини қўрсатаман ва ўртоқ Мамажоновга Мен ўртоқ Османованинг сўзини қувватлайман ва ўртоқ Сайназарованинг номзодини қўрсатаман. Таклифдан сўнг мажли , тарзда ўтказилган

1. Мехнатқашлар депутатлари Андижан область Советига ўтказувчи 40- Булоқбоши сайлов округ комиссияси составига ўртоқ Сайназарова Тожибарханнинг номзоди қўрсатилсин.
2. Ўртоқ Сайназарова Тожибархан 1929 йилда туғилган, миллати ўзбек, малумоти ўрта, ҳозирда Булоқбоши қишлоқ советидаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди.

АНДИЖОН РАЙОНИ БЎЙИЧА.

29-нчи Хартум сайлов округи бўйича – Юсупбеков Аристан. 1914 йилда туғилган, МГБ область бошқармасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Андижон районидаги Карл Маркс номди колхоз аъзоларидан.

30-нчи Храбек сайлов округи бўйича – Хўжаев Ориф. 1910 йилда туғилган, Андижон район ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Андижон районидаги Маленков номли колхоз аъзоларидан. 31-нчи Пахтабод сайлов округи бўйича – Шокирова Орзихон. 1928 йилда туғилган, 21-нчи ўрта мактабда илмий бўлим мудир, партиясиз, Андижон районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоларидан.

32-нчи Қўнжи сайлов округи бўйича – Добринский Борис Ананьевич. 1898 йилда туғилган. Андижон 1-нчи МТСининг бош агрономи, партиясиз, Андижон районидаги Киров номли колхоз аъзоларидан.

33-нчи Ёрбоши сайлов округи бўйича – Ульянов Николай Гаврилович. 1916 йилда туғилган. Ўзбекистон КП область комитети партия, касаба союз ва комсомол органлари бўлимининг мудир, Андижон район, Ёрбоши қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз аъзоларидан.

34-нчи Янгиобод сайлов округи бўйича – Рўзиева Пўлатхон. 1927 йилда туғилган, Янгиобод қишлоқ советининг раиси, ВЛКСМ аъзоси, Андижон район, Янгиобод қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз аъзоларидан.

35-нчи Шўро сайлов округи бўйича – Отабоев Муҳаммаджон. 1903 йилда туғилган, область ижроия комитетининг масъул секретари, КПСС аъзоси, Андижон район, Шўро қишлоқ советидаги Ленин номли колхоз аъзоларидан.

36-нчи Бўтақора сайлов округи бўйича – Каюмов Пўлат. 1919 йилда туғилган, область халқ маорифи бўлимининг мудир, КПССнинг аъзоси, Андижон район, Бўтақора қишлоқ советидаги У. Юсупов номли колхоз аъзоларидан.

БАЛИҚЧИ РАЙОНИ БЎЙИЧА

37-нчи Балиқчи сайлов округи бўйича – Қориев Нажмиддин 1905 йилда туғилган, область коммунал хўжалиги бўлимининг мудир. КПСС аъзоси, Балиқчи МТСи коллективидан.

38-нчи Ўрмонбек сайлов округи бўйича – Маматов Абдусалим. 1916 йилда, Балиқчи район ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Балиқчи район, Олимбек қишлоқ советидаги “Пахтакор” колхоз аъзоларидан.²⁵

Сайлов олди ишларида таёргарлиги учун барча районларда сайлов пунктлари таёрланиб агитация ишлари кучайтирилганди, ҳамда бу тайёргарликларни турли газета ва журналларда чоп этиришган бунга мисол;

²⁵ Андижон Вилоят Давлат архиви 28 фунт, опись 1, хранения 224 (Исполком коммитет Андижанской области Совет трудящихся Андижанской области) 3 бет.

²⁶ Ўша жойда. – Б 3

1953 йил 1 февраль “Коммунист” газетасининг 23 сонидаги куплаб сайлов туғрисидаги мақолаларни мисол қилиб келтириш мумкин: Т. Неъматуллаевнинг “Тайёргарлик яхши уюштирилган” мақоласида Балиқчи районида меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий советлари сайловларига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Сайлов учатскаларини жихозлаш, безатиш, сайловчилар рўйхатини тузиш асосан ҳамма ерда тугалтилди.

Мана, Гулистон қишлоқ советидаги “Социализм” колхози правления биносига жойлашган сайлов учатскаси. Бу ерда кутиш, овоз бериш хоналари, кобинкалар яхши жихозланган, сайловчиларнинг гражданлик бурчларини эркинлик билан адо этишлари учун ҳамма имкониятлар яратилган, ёки М. Ориповнинг “Агитация ишлари кучайтирилди” мақоласидаги Сталин район, Иттифок қишлоқ советидаги Ленин номи колхоз бошланғич партия ташкилоти (секретари ўртоқ Самиев) агитпунктнинг ишига яқиндан раҳбарлик қилиб сайловли сиёсий ишларнинг план асосида олиб борилишини таъминламоқда. Партия 19-нчи съездида қарорлари, ўртоқ И.В.Сталиннинг “СССР да социализмнинг иқтисодий муаммолари” номи лозунглари ва бошқа материаллар билан қуролланиш агитаторлар сайловчилар ўртасида кенг тушинтириш илари олиб борилмоқда, турли мавзуларда суҳбатлар ўтказмоқдалар²⁷ деб ташвиқот ишларини олиб боришган.

Хулоса ўрнида, коммунистик мафкура асосида олиб борилган сайлов сиёсати “Ленинча-Сталинча” бир тарафлама ғояларга асосланиб, сайловларни ҳал қилиш борасида партиянинг ҳуқуқи ва имтиёзлари устун турди. Республика раҳбарияти собиқ СССРнинг бошқарув тизимида

²⁷ Андижон Вилоят Давлат архиви 275 фонд, хранение 10 “Протоколы маҳаллинского комитета” 82 бет

бойсунди ва Ўзбекистон халқ хўжалигида маҳаллий раҳбар кадрларнинг туб манфаатларини ҳисобга олишни мўлжалламади. Ушбу тизимнинг кадрлар сиёсатида ҳам

олиб борган режаси Республика салохиятини оширишга хизмат қилса-да, олинаётган фойдадан копрок марказ манфаатдор бўлди.

2.2. Сайлов ҳуқуқига эга бўлганларни рўйхатга олиш тартиби

Ўзбекистонда қатағоннинг энг юқори босқичга кўтарилган 1937-1938 йиллардаги “Катта террор” кампаниясида ҳам Ўзбекистондан минглаб одамлар қатағон киличидан ўтказилди, концлагерларга ташланди.²⁸ Қатағон сиёсатидан кегинги иккинчи жаҳон уриши ва то И.В. Сталиннинг вафотига қадар бўлган даврда сайлов сиёсатининг бирёқламалик, оддий халқни алдов йўллари билан чалғитиш асносида баланд шиорлар билан ўтказилган.

Сайловларни амалга ошириш учун авваламбор унга депутат номзодларни рўйхатини тузиш бўлган. Хўш агар қатағон даврида зиёлилар, олимларва аҳолининг бой қатлами кулоқ қилинган бўлса, бу рўйхатга кимларнинг номлари киритилган эди? Албатта бу рўйхотнинг аввалида И.В. Сталин, Н.С. Хрушев, А.А. Акбаров, Г.Г. Кузнецов, А. Батқров, М. Зулунов, А.С. Кузнецов, А.П.Башковлар егаллаган эди, улордан сўнг еса Андижон шаҳрини шаҳар Совети хизматчи депутатларининг номзодларини тайёрлаш бўйича мажлисларида рўйхатлар тузилди. Биринчи сайлов округи бўйича: Фламинава Мария -бчи дистанциянинг мастери, Иккинчи сайлов округи бўйича:-Кузнецова Вера,консерва заводининг бригадири, Учинчи округ бўйича:-Кулешов Валентин Александрович,ишлабчиқариш бўйича Обком секретарининг ўринбосари²⁹. Бундай сайлов округлари Андижон шаҳри бўйича 20 дан ортиқ бўлиб уларда депутатликка номзадларни маҳаллий аҳолини номзодлигини қўйиш ўрнига барчасини русизабон бўлган рус аҳолисини номзодликлари қўйилган.

Депутатликка номзадларни рўйхатини тузиш бўйича шаҳар газеталарида чоп етилган мақолалардан билиб олиш мумкин эди. Бундай мақолалардан бири 1953-йили 3февралда “Сталинская знамя” газетасининг 24 сониди

²⁸ Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда Советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари Тошкент “Sharq” 2012 14 бет

²⁹ Андижон Вилоят Давлат архиви 207 фонд, опись 1, 102 бет

“Андижон шахрининг Олий Советига депутатлар номзодлиги” мақоласида: -Юқори кўтаринки руҳда Андижоннинг 3чи пахта заводи каллективининг сайловолди йиғилиши бўлиб ўтди, бунда Андижон шаҳар Советига депутатликка номзодларни таклифини киритиш бўйича бўлиб ўтди.

Мажлисни сўз бошини завод директори ўртоқ Акбаров очиб берди. У бутун пахта заводи каллективи, ишчи – техник инженерлар томонидан депутатликка биринчи номзотни шаҳар советини Конституциясини яратувчиси, инсониятнинг буюк дохийси ҳисобланган Иосиф Виссарионович Сталинни номини рўйхатнинг бошига қўйишни таклифини киритди.³⁰

Бундай мақолалардан яна бири 1950-нчи йил 10 октябрдаги “Правда Востока” газетасининг 238 сониди “Самая демократическая в мире избирательная система” мақоласида: - Ўзбекистонда бутун юрт бўйича маҳаллий ишчи депутатлар Советига сайлов ишларига тайёргарликлар олиб борилмоқда. Ўзбек ССРнинг Олий Совет Президиуми Қарорига асосан 1950 йил 24 декабрь сайлов куни деб элон қилинди. Бугунги кунда “шаҳар, область, район, қишлоқ, (овулар) нинг ўзбек ССР Совет депутатларини сайлов ҳолатлари маҳаллий газеталарда чоп этилмоқда”

Сайловларга тайёргарлик ва сайлов жараёнлари совет системаси асосида танловлари ўтказилади.³¹ Бундай сайловлар “Бизнинг сайловлар бутун дунё бўйича энг ҳаққоний ва энг демократик сайлов ҳисобланади”³² И.В.Сталиннинг шиорлари остида олиб борилган. Барча депутатларнинг рўйхатларида биринчи номни И.В.Сталиннинг номи билан бошланган. Бундан кўриниб турибдики, шахсга сиғиниш, бир ёқламали сиёсат, ҳалқ онгини чалғитиш, алдаш айна авжига чиққан бир пайтда сайлов ишлари

³⁰ Андижон Вилоят Давлат архиви 28/44 фонд, “Протоколы О выдвижении кандидатов в депутатов” 62 бет

³¹ Андижон Вилоят Давлат архиви 335 фонд, опись 1, 37 бет

³² Андижон Вилоят Давлат архиви 28 фонд, ЕД хранения 228 “Протоколы голосования местного совета депутатов” 115 бет

ўтказилган. Бу даврда эса ҳеч қандай демократия ва ҳаққонийлик ҳақида сўз очмаса ҳам бўлаверади.

Партия жамиятнинг раҳбар ва йуналтирувчи кучига айланди. Партия ўз мавқеини ошириш мақсадида аъзолигини мураккаблаштирган, табақалаштирган ва

синфийлаштирган. Асосан ишчи, деҳқонлар партия аъзолигига купроқ олинди ва бу вакиллардан раҳбарлик лавозимларига кутариш йули изчил амалга оширилди.

ВКП (б) МКнинг 1944 йил 6 март қарори айнан Ўзбекистонда кадрлар билан ишлашни ташкил этишга бағишланиб, партия ташкилотлари кадрларни тарбиялашда большевикча усул ва танқидни кучайтириш, кадрлар уз-узини танқид қилишни билиш руҳида тарбиялаш зарурлигини, бундай услуб келажақда ишдаги катта хатоларнинг олдини олиш имкониятини бериши алоҳида таъкидланди.³³ Бундай қарорлар ҳар томонлама усишнинг гуёки қулай шароитларини яратиб, тартибли тизимни ишлаб чиздан эди. Бу октябрий, пионер, комсомол, коммунист булгани ҳолда кишиларга даража берадиган, уз навбатида, даражасига қараб имтиёз билан таъминлайдиган тизим эди. Сайланадиган партия органларида ҳам ишчи ва колхозчи вакиллари кенг қатнашар, туман, шаҳар, вилоят партия комитетлари, хусусан, Ўзбекистон компартияси аъзолари орасида ҳам уларнинг сони ортиб борар эди. Синфлар уртасида кураш кучайиб бораверди, деган турли ғояларга ишонган бу тизимда партия аъзоларининг асосини ишчи ва деҳқонлар ташкил этар, зиёлиларнинг партия сафига кириши эса мураккаблаштирилганди. Шу тарифа партиянинг урни ва аҳамияти кучайиб, давлат сиёсатида кадрлар масаласини ҳал қилиш борасида унинг имтиёзлари ва бирламчи ҳукуки устун булди. Тегишли партия қўмиталарининг розилигини олмай туриб, бирон-бир коммунистни жавобгарликка тортиш

³³ Иманова Д.А. Ўзбекистонда Совет тузиминг кадрлар сиёсати ва унинг оқибатлари. Тошкент; “Янги аср авлоди” 2013 10 бет

ёки қамокқа олиш мумкин эмас, ҳеч бир раҳбар, тегишли партия ташкилотлари тасдикидан утмай туриб, уз лавозимидан бушатиlmас ва четлантирилмасди. Ёки аксинча, КПСС сафидан чиқарилган ходим уз иш вазифасидан кетиши билан бирга қамокқа олинар ва жазоланар эди. Бундай тартиб-қоида, иш услубини ва жамиятда раҳбарлик қилишни КПСС республикаларда узининг филиаллари булган компартиялар орқали амалга оширар эди. Умумий таъкидлаганда, КПСС Марказий қўмитаси сиёсий бюросидан тортиб, то барча иттифокчи республикалардаги Компартия бошланғич партия ташкилотларига қадар ягона занжир сифатида боғланиб кетган булиб, бунинг натижасида шахсга сизгиниш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнигина келтириб чиқармасдан, айни пайтда совет жамиятининг ичидан емирилишини тезлаштирган омиллардан булди.

Совет ҳукуматининг дастлабки йилларида партия ходимлари «махаллий» ва «махаллий бўлмаган» кадрларга ажратилмади. Марказда ва жойлардаги бошқарув органлари таркибида турли миллат вакиллари биргаликда ишлади. 1944 йил 6 мартдаги ВКП (б) МК нинг пленумида республика саноат ишлаб чиқаришида узбек кадрлари камлиги, шунинг учун узбекларни саноатга кенг миқдорда жалб этиш ва малакали узбек мутахассис кадрларни тайёрлаш зарур эканлиги тўғрисида қарор қилиб қабул қилинди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, амалга оширилаётган илмий – технология сиёсатидаги барча жапхаларда советларни таъқиқ ўтказилган. Шундай бўлсада улар ўз фикр ва муносабатларни тузим сиёсатига мос тарзда амалга оширдилар, сайлов сиёсатлари Чор Россиясининг хоҳиш истаклари бўйича ўтказилди.

III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ССРДАГИ САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ КАДРЛАР СИЁСАТИГА ТАЪСИРИ

3.1. Ўзбекистон ССРдаги сайлов тизимининг кадрлар сиёсатига кўрсатган салбий таъсири

Ўзбекистон ССР ташкил топгандан кейин, миллий давлат қурилиши қатъий совет унитаризми доирасида, синфий қарама-қаршилик мафқураси ва маъмурий буйруқбозлик тизими асосларини қарор топтириш негизида амалга оширилди. Ўзбекистон иттифок раҳбарияти томонидан фақат марказнинг ўзи қарорлар қабул қилишга қодир бўлган субъекта сифатида эмас, балки объекта сифатида қаралди. Ҳаддан ташқари марказлаштириш белгиси остида маҳаллий бошқарув идоралари ташкил этилди. Улар амалда иттифок органларидан тула-туқис нусха олиб ишлади.

Раҳбар, ишчи кадрларни танлаш, жой-жойига қуйиш ва тарбиялаш масалалари совет ҳукуматининг давлат марказида турди. Айниқса, Ўзбекистонда бу сиёсатнинг қуриниши, яъни кадрларни шакллантиришнинг асосий йўналишлари бошқа иттифокдош мамлакатларга қараганда анча фарқлидир.

Совет сиёсатида мафкура ва тарбиявий ишнинг кучайтирилиши кадрларни шакллантиришда муҳим йўналиш бўлган. Айниқса бу сиёсат 1947 йил **ВКП** (б) МКнинг февраль пленумидан кейин жадаллади³⁴. Ушбу пленумда Сталин: «Кадрларни ўстириш ва

камолга етказиш одатда фан ва техниканинг айрим соҳалари мутахассисликлар буйича олиб борилади, бор кучни марксча-ленинча мафкура билан тарбиялашга қаратиш керак», деб таъкидлади. 1946 йил Тошкентда икки йиллик партия мактаби очилди. Унда дастлаб партия, совет, комсомол ва оммавий ахборот ходимлари 400 соатлик ВКП (б) МФJ дастури асосида таълим олдилар²¹. Кейинчалик, яъни 1956 йилда тўрт йиллик Олий партия мактаби тарзида қайта ташкил этилди. Тошкент Олий партия мактаби партия ва совет давлат аппарата учун кадрларни етиштириб ёки уларни қайта тайёрлаган ҳолда Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР, Туркменистон ССР, Қирғизистон ССРнинг жанубий районлари учун партия ва совет ходимлари тайёрлади. Бу уқув даргоҳи ўрта маълумотлилар учун тўрт йиллик, олий маълумотлилар учун икки йиллик бўлган. Тошкент олий партия мактаби биринчи йилнинг узида ана шундай ходимлардан қарийб 3000 кишини тайёрлаб берди. КПСС МК ҳузуридаги Ижтимоий Фанлар академияси ҳам марказий партия муассасалари, иттифоқдош республикалар коммунистик партиялари МКлари, КПСС туман ва вилоят қўмиталари учун назариётчи ходимлар, олий уқув юртлари учун ўқитувчилар, илмий тадқиқот институтлари ва илмий журналларнинг ходимларини тайёрлади, Бу уқув муассасалари асосан раҳбар кадрларни тайёрлашга мулжалланган эди.

Уқув режасининг асосий қисмини КПСС тарихининг диалектик ва тарихий материализм тизими, сиёсий иқтисод, партия ва совет қурилишини урганувчи дарслари бўлган. 1951 йилда республика буйича партия маорифи шохобчаларида 130 минг киши, марксизм-ленинизм кечки университетларида 4000 дан ортиқ, ВКП (б) МК қошидаги Олий партия мактабида 140 дан ортиқ киши, 400 дан ортиқ киши республика партия мактабларида ўқиди. Биргина Фарғонада 1952 -1953 уқув йилида «ВКП (б) МК «тарихи» ни урганиш тугараги 7 жойда, В.И.Ленин ва И.В.Сталиннинг таржимаи холини урганиш тугараги 13 жойда, сиёсий мактаб 9 жойда ташкил қилинди.³⁵ Ленин асарларининг 35 томи, «КПСС съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет пленумларининг резолюциялари ва қарорларида» деган уч томлик тўплам, Карл Маркснинг «Капитал» и ва бошқа куплаб асарлар тезлик билан ўзбек тилига таржима қилинди. 1967 –

³⁵ Қизил Ўзбекистон. 1952 йил 23 октябрь

³⁴ Қизил Ўзбекистон. 1951 йил, 11 май.

1968 йилларда Тошкент олий партия мактаби базасида республикалараро курслар, шунингдек, Самарканд, Тошкент, Фарғонада вилоятлараро курслар очилди³⁶. Бу шундан далолат бердики, мавжуд тузум шахсга сизгиниш ҳолатларини мамлакатнинг ҳамма жойларида кескин равишда кучайтириб борган.

1958 йил 24 декабрь УзССР Олий советининг бешинчи чакирик биринчи сессиясида «мактабни турмуш билан боғлашни мустаҳкамлаш ва республикада халқ маорифи тизимини янада ривожлантириш» тугрисида қонун қабул қилиниб, раҳбар, ишчи, хотин-қиз, қишлоқ хужалик, инженер-техник ходимлар тайёрлаш тизимида янги тадбирларни жорий қилиш масаласи қўрилди. Унда қабул қилинган қонуннинг 49-моддасида «талабаларни, мутахассисларни гоёвий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашни кучайтириш, марксча-ленинча назарияни уқитишни янада яхшилаш, ёшларни юксак коммунистик ахлоқ қоидалари руҳида, жамоатчилик ва меҳнатни севиш, социалистик интернационализм ва буржуа гоёсига нисбатан муросасиз бўлиш руҳида тарбиялашни алоҳида бажариш шартлиги қўрилди. Асосий эътибор раҳбар кадрлар ва коммунистларга марксча-ленинча билим бериш ва большевикча тарбиялашга қаратилди. Олий партия мактаби, партия ва совет ходимларини қайта тайёрловчи доимий курслар, саноат припиши, транспорт ва алоқа қўрсоналарининг, қолхоз ва совхоз раҳбарлари учун иқтисодий курслар ташкил этилди. Шаҳарлар, туман марказларида иқтисодий билимлар университети, хужалик ва совет фаоллари мактаблари доимий ишлаб турган.

³⁶ Татибаев С., Қудряков В. Партий раҳбарликнинг Ленинча услуби// Ўзбекистон коммунисти. – Тошкент, 1975. №6- Б.44

Республикадаги барча кадрларнинг иқтисодий билим олишини яхшилаш тугрисидаги қарор «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1960 йил 25 октябрь сониде эълон қилиниб, иқтисодиёт мактабларида қўйидаги асосий мавзуларни урганиш қўзда тутилди: «Хужаликни бошқаришни урганиш», «Қавлат режасини ишлаб чиқаришни қенгайтириш қонуни», «Меҳнат унумдорлигини ошириш мулкчилик учун қурашдир», «Меҳнатнинг таннарини қамайитириш — жамоат бойлигини қупайитириш манбаи», «Коммунистчасига ишлайлик, уқийлик, яшайлик» ва бошқалардир. Бундан ташқари қуплаб Ўзбекистон вақиллари Москва, Ленинград ва иттифокдаги бошқа шаҳарларнинг олий уқув юртларида, КПСС МК ҳузуридаги Олий партия мактабиде ва Ижтимоий фанлар

академияснга уқишга юборилган ва бу жараён хар йили мунтазам амалга оширилиб турилган.

Узбекистон КП Марказий Комитетининг 1963 йил июлдаги пленумида «Республика партия ташкилотларининг рахбар кадрларни танлаш, жой-жойига

куйиш ва тарбиялаш соҳасидаги ишини яхшилаш тугрисида»ги масала муҳокама қилинди ва коммунистик қурилишдаги вазифаларни хал этишга қобил булган мутахассисларнинг куп минглик сафи тайёрланиши кераклиги таъкидланиб, ходимларни ни ишчи, муҳандис-техник, хотин-қиз кадрларнинг ташаб- бускорлигини ошириш, «социалистик мусобақа»ни кенг жорий қилиш, «алоҳида танлаб олинган» илгор ишчиларни «байроқ» сифатида меҳнат қаҳрамонлари, Олий Совет депутатлари даражасига кутариб, бошқаларга «урнак» қилиб курсатиш йули билан бартараф қилишга ва саноатни тургунлик ҳолатидан олиб чиқиш учун қилинган ҳаракатлардан бири булган³⁷. Корхоналарда ишчи ва хизматчилар ора- сида «социалистик» мусобақалар доимий утказилган. Чунончи, тувдизинчи беш йиллик давомида Ўзбекистонда 1,9 млн киши ёки ишловчиларнинг 90% идан Кўпрок мусобага жалб этилган. Бу каби мусобақаларнинг утказилишидан асосий мақсад инсонларни шу усуллардан кура купрок ишлатиш, белгиланган режаларни қандай булмасин бажариш, улардан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланишни кучайтириш эди. Уларнинг ижтимоий-моддий аҳволини яхшилаш урнига «Меҳнат ветерани», «Завод ветерани», «Завод мукофотининг лауреати», «Заводнинг энг яхши бригадаси», «Энг яхши конструктор» каби «фахрий» номларнинг берилиши билан кифояланган. Бироқ бу йул билан Ўзбекистон саноатини тургунлик ҳолатидан олиб чиқиб булмас, янги ислохотларни амалга ошириш зарур эди. Сиёсий раҳбарият ва коммунистик мафкура буни тан олишни хохламасди.

Партия комитетлари, бошлангич партия ташкилотлари кадрларга талабчанликни доимо ошириб боришлари, ходимларни топширилган иш учун партия ва давлат олдида шахсий масъулиятини ҳис этиш руҳида тарбиялаш ишларини қатъиятлик билан олиб борди ва кадрларга (айниқса, маҳаллий кадрларга) нисбатан текширувни кучайтирди. Шунинг учун ҳам купгина маҳаллий малакали ходимларни масъулият туйғусини йуқоттанликда, давлат режаларини бажаришда масъулиятсизлик, миллатчилик, интизомни бузиш каби ноҳақ айбларни қуйиб, тегишли чораларни мунтазам равишда куриб турди. Масалан, 1937-1953 йилги НКВД «учлиги» томонидан 100 минг киши қамокқа олинди, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди, 15 минг нафари эса отиб ташланди²². Марказ узининг сиёсий «уйинлари» ни давом эттиришида, купгина етук раҳбарлар, маърифатпарвар зиёлиларни

³⁷ Ўзбекистан совет мустанлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. — Тошкент: «Шарқ», 2000. — Б. 517.

жазолаш, руҳий эзиш орқали бошқларни ҳам хушёр қилиб қуйши ва қурқитишни мулжаллади. Айниқса, маҳаллий зиёли раҳбарлардан турли хил сиёсий баҳоналар топилиб, йиллар мобайнида қилинган машаққатли меҳнатлари билан биргаликда илмий даража ва унвонлари, лавозимлари ҳам асоссиз равишда қораланган, ҳаттоки уларнинг оила аъзоларининг ҳам шу вақтгача қилинган ишларининг текшируви бошланган. Уларнинг иш фаолияти қаттиқ услубда текширилиб, йуқ хатолар ҳам бор қилиниб, совет тузумининг «ленинча» қоидаларни бузганликда, давлат режаларини бажаришда жиддий камчиликларга йул қуйганликда, кадрларни жойлаштириш ва тарбиялашда нотугри йулдан бориб маҳаллийчиликка йул қуйганлиги, қариндош-уруғларини ишга жойлаштирганликда айбланиб лавозимидан озод этилган. Ваҳоланки, республиканинг бу каби куплаб истеъдодли раҳбар кадрлари фаолияти давомида илм-фан, маориф, иқтисодий тараққиётга муносиб ҳиссаларини қушган юрт фарзандлари булсада, улар ҳукмрон мафкура тизимида куплаб руҳий қийноқ ва эзилишларни бошидан кечирган, келажагига сезиларли равишда зарба берилган.

Ўзбекистонда саноат соҳасида кадрларни шакллантириш жараёнлари ҳам буюк давлатчилик манфаатларини ҳисобга олган асосий йулдан борди. Совет тузумининг кадрлар сиёсати ва унинг миллий жиҳатлари марказнинг муштамлакачилик қурунишларини акс эттиради. Унда миллий кадрларни купайтиришдан кура марказдан жунатилган ишчи кучини тайёрлашга ва ишлатишга қаратилди. Ишчи кадрлар асосан марказий минтақалардан Ўзбекистонга келтирилди. Совет тузуми эса бу жараённи узбек халқига «байналмилал ёрдам курсатиш» нинг намоён булиши деб баҳолади. Ўзбекистонда миллий ишчи кадрларни шакллантириш даврида марказдан ишчи ва мутахассисларнинг келтирилиши мамлакатнинг иқтисодий манфаатларига маълум даражада мос келарди, сабаби, бу ерда саноат кадрларини вужудга келтиришнинг моддий негизи ҳали заиф эди. Бу жиҳатдан СССР давлат режа қумитасининг саноат буйича биринчи беш йиллик режасини ишлаб чиқиш комиссиясининг қарори (1927 йил) ажралиб туради. Бу қарорда «Урта Осиё каби мамлакатларда йирик саноатни четдан келтирилган иш кучи асосида дарҳол вужудга келтириш мақулроқдир». Ўзбекистонга келган малакали мутахассислар саноатнинг янги тармоқларини ташкил этиш ва ривожлантиришда, маҳаллий ишчи кадрлар тайёрлашда иштирок этдилар. Республикага келувчилар сони дасглаб унчалик куп булмади. Масалан, 1933—1935 йилларда республика корхоналари ва қурилишларига қарийб 10 минг киши келган булиб, улар кадрлар танқислигига бардам бериши лозим эди. Бирок; кейинги йилларда кучириб келтирилган мутахассис кадрлар сони йилдан-йилга ортиб борди. 1938 йилга келиб 650 минг ишчи ходимлар кучирилди".

1939 йилги бутун иттифоқ аҳоли руйхатига кура, Ўзбекистонда яшаётган рус миллатининг узи 727,3 минг киши булиб, улар умумий аҳолининг 11,5%ини ташкил этиб, уларнинг 35,5%и шаҳарларда яшаган. Иккинчи жаҳон уруши уз навбатида республикадаги демографик вазиятга сезиларли таъсир курсатди. Ўзбекистонга аҳолини гарбий минтақалардан кучириб келтириш кенг тус олди. Масалан, 1943 - 1944 йилларда қалмиқлар, қрым татарлар, чеченлар, лий масаланинг тула ҳал этилганлиги» каби тарғиботчилик шиорлари остида марказга қарамлиги кучайди, миллий таркибнинг бузилиши авж олдирилди, ўзбек халқининг табиий хом ашёси ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кенг куламда ривожланди.

1959 йилги аҳоли руйхати маълумотларига кура республикада 33 та шаҳар ва 68 та шаҳарга хос посёлка мавжуд булса, 1963 йил январда жами шаҳар сони 36 та, посёлкалар сони эса 77 тани ташкил этди. 1970-1985 йилгача Ўзбекистан харитасида яна 80 та янги шаҳар вужудга келди. Бу шаҳарлар аҳолиси асосан бопша миллат вакиллари булган. Сабаби, янги саноат қорхоналари қуриш учун кучириб келтирилганлар тегишли ташкилотлар томонидан доимий рағбатлантирилиб турилганидан кейинчалик бутунлай яшаш учун олиб кетганлари катта миқдорни курсатган. Кучириб келтирилган минглаб кадрлар орасида тажрибали ходимлар билан бир қаторда, малакасиз ходимлар ҳам қупайиб борди. Оқибатда республикада ортиқча ишчи қучи мавжуд булиб, бу меҳнат ресурслари ва маҳаллий кадрлардан фойдаланишда юзага келган муаммоларни янада чуқурлаштирди. КПСС МКнинг Бош қотиби булган Л.И.Брежнев 1972 йилги ҳисобот маърузасида: «Урта Осиё шароитида марксча-ленинча дунёқараш билан қуролланган социализм қурилишига бошчилик қилишга қодир булган раҳбар кадрларнинг шакллантирилиши энг кескин ижтимоий-сиёсий муаммолардан бири булиб, бу муаммони ҳал қилиш, аввало, улқа халқларининг иқтисодий, маданий қолоқлиги, шунингдек, бу ерда назарий тайёргарликка эга болтан тажрибали рус коммунистларининг қамлиги туфайли келиб чиққан катта қийинчиликларни бартараф этиш зарур» лигини таъкидлаб, кейинги йиллар давомида иттифоқдан кадрларни кучириш сиёсатини авж олдирилди. Аслида бу сиёсат замирида доиллик улқалардаги раҳбар кадрларни, респуб-ликаларнинг иқтисодий ҳаётини умумиттифоқ манфаатларига буйсундиришга, халқларни уз миллий манфаатидан ажратиб, уларни марказга тобелик даражасини янада кучайтириш мақсади ётарди. Кадрларни тайёрлаш соҳасида сезиларли қадамлар қуйилаётган, уларнинг миқдори ортаётган бўлса-да, маҳаллий кадрларнинг фойиз ҳисобидаги салмоғи пасайиб борди. Аншфок таъкидлаганда, кўплаб кўчиб келувчилар таъсирида бир тарафдан Ўзбекистондаги ўқув юртларда етарли даражада миллий ишчи кадр тайёрланмаган,

иккинчи тарафдан, ушбу йилларда мамлакатда турли миллат вакиллариининг салмоғи юқорилаб кетишига сабаб бўлди.

Кейинги мафкуравий жараёнларда ҳам марксча-ленинча таълимотнинг амалдаги куриниши буйича кадрларни шакллантиришда партия сиёсати ва курсатмалари қатъий қулланма, халқа, совет жамиятига, партия ишига хизмат қилиш улар ҳаётининг олий қонуни булиб қолиши кучайтирилди. КПСС МҚ нинг 1979 йилда қабул қилинган «Идеологик, сиёсий тарбиявий ипитарни янада яхшилаш тугрисида» ги қарори барча кадрларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш ишини янада кучайтиришга олиб келди. Кадрларни тарбиялашда сиёсий андозалар, ақидалар асосий мезон булиб қолганини мактаблар учун тузилган ўқув режаларидан ҳам кўриш мумкин. Масалан, тадқиқотчи Х.Э.Юнусованинг монографиясида буйидаги далиллар келтирилади: «Ривожланган социализмни такомшлантириш- нинг актуал муаммолари» юзасидан белгиланган ўқув режаларида 18 соат маъруза ўқиш, 30 соат амалий машғулотлар ўтказиш режалаштирилган эди. Белгиланган маъруза мавзусига мафкуравий ишлар аҳамиятини ёритиш, «буржуа идеологиясини» фoш қилиш сингари масалалар киритилган. Увув режаларида фан ва техника тараққиёти тез суръатлар билан амалга ошаётган бир даврда жамият ҳаётини оқилona бжариш йулларини ёритиш билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам мавзу йўқ ҳисобида эди»²³. Сиёсатнинг бундай йули эса кадрлар танлаш ва тарбиялашда керак бўлган вазифаларни амалга ошириши ноаниқ, ҳамда бу йилларда асосий иш режалари қолиб, қоғозбозлик, мажлисбозлик каби иллатлар ҳам кучайди. Партия, совет, касаба союз, комсомол ходимларини тайёрлаш учун махсус ўқув юртлари иттифокдош ва автоном республикалар учун раҳбарлар тайёрлашда катта «аҳамият» касб этган ва мактабни мамлакат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини бошқаришда юқоридан берилган топшириқларни кур-курона бажарадиган кадрларни тарбиялайдиган маконга айлантирди. Доимий ташвиқот билан бирга иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий тартибдаги чора-тадбирларни белгилаш лозимлиги айтилди. Уларни амалга ошириўда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, ижтимоий фанларни кенгайтириш ва партия ишларига тайёр- ланаётган кадрларни ўқитишда партия фаолиятининг назарий томонларини чуқур сингдириш ва бундай тайёрланган кадрларни масъул ишларга Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва кадрлар ишмсизлигини камайтириш ишида Ўзбекистан ССР Меҳнат давлат комитетига катта вазифалар юклатилди. У республика корхоналари ва ташилотларида, вазирликларда, давлат ташкилотлари ва идораларида ишчи кучларидан фойдаланишни давлат йўли билан назорат қилишни кучайтириш,

²³ Юнусова Х. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари. - Тошкент: «Зарқалам», 2005. - Б. 42.

янгидан ишга тушириладиган муҳим объектлар рўйхатини белгилаш, уларнинг ишчи кучларига эҳтиёжини аниқлаб, кадрлар тайёрлаш ва бутлашни назорат остига олиш каби муаммоларни ҳал этиши керак эди, унинг бузилишига қарши кураш усуллари белгилаб берилди. Барча кадрларни, раҳбарни бажаришда мафкурaviй ва ташкилий жиҳатдан таъминлашдаги иштирокини янада кучайтириш мақсадида кадрларнинг марксча-ленинча ўқувини ташкиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Натижада партия гоёпарини урганиш кадрлар билан ишлашнинг асосий вазифасига айланди. КПСС МК қошидаги Ижтимоий Фанлар Академияси, Олий партия мактаби, Республика компартиялари қошидаги партия мактабларидан янада кенг фойдаланиш юзасидан вазифалар белгиланди. Коммунистик қурилишнинг амалий ва назарий урганувчиларига алоҳида дастурлар тузилди. Улар мамлакатда бўлаётган иттисодий ишсирозларнинг асосий сабабларини маҳаллий кадрлар лаёқатсизлиги билан боғлади.

Марказ чизиб берган йулдан бориш Ўзбекистон республикаси раҳбариятининг ҳам асосий вазифаси бўлиб қолди. Олий партия мактаби, партия ва совет мафкураси кадрлар малакасини ошириш курсларида Ўзбекистон Олий Совети депутатлари қишлоқ партия кўмиталари-кенгашлари раислари, вилоят партия кўмиталари, Олий совет президиумлари масъул ходимлари ўқитилди. Республика партия ташкилоти кадрларни гоёвий чиниктиришда барча амалларни ишга солди. Кадрларни партия ва давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш ва топширилган иш учун жавобгарликни чуқур ҳис этиш, умумий айтганда, инсон омили иккинчи даражали бўлиб шаклланди. Оқибатда коммунистик мафкура ва ҳукмрон гоё олдида фуқаро ўзини ночор ҳис этадиган, ўз имкониятларини руёбга чинара олмайдиган бўлиб қолди. Ана шундай вазиятда халқнинг эркин меҳнат қилишга бўлган рағбати сўндирилди. Мустақил фикрлайдиган, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил баҳо берадиган, халқ манфаатини ўйлаган, унинг онига нур, қалбига зиё бағишлашга интилан, виждон ва ақл билан ишлашга, ҳуррият учун курашга чорлаган кадрлар ўзбошимчаликда турли хил усуллар билан айбланиб, коммунистик партиянинг чизигидан чиқмайдиган «Кадрлар» томонидан сўроқ-терговга тутилар, маънавий жиҳатдан бадном қилинар, баъзан эса ҳатто жисмоний махв этиларди. Натижада бундай ноҳақликлардан огоҳ бўлиб турган халқ бутунлай умидсизликка тушиб, жамиятга, партияга, сиёсатга, давлатга ишончи йуқолди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ҳаётга бефарқ қараш, лоқайдлик аксарият кўпчилиكنинг яшаш тарзига айланди. «Совет кишиси» ўз соясидан чўчиб яшайдиган бўлиб қолди. Чунки юрагининг тубига қўрқув билан қозик қилиб қоқилган тобелик, мутелик туйғуси уни тирик мурда ҳолига солиб қуйган эди»³⁹.

Маъмурий буйруқбозлик тизими иқтисодий танглик оқибатларини барҳам топтиришда қатъий чора-тадбирлар кўриш борасидаги бесамар уринишлар баробарида вақтли матбуотда, радио, телевидение ва шу каби воситалар орқалили совет жамиятининг йил сайин «гуллаб-яшнаётганлиги», мутлақо «тангликсиз» ҳолда ривожганаётганлиги ҳақидаги, КПСС танлаган «социалистик тараққиёт йулининг тўғрилиги» каби илгаридан ҳаммага маълум бўлган ақидалар янграшда давом этди. Бироқ совет давлатининг ўз халқига нафақат моддий бойликлар, балки ижтимоий кафолат ва эркинликларни ҳам таъминлашга қодир эмаслиги кун сайин маълум бўлиб борди. Халқ хужалигининг барча соҳаларида танглик ҳолатлари кучайиб борди. Бутун жамият ижтимоий ҳаётида жиддий ўзгаришлар қилиш зарурлиги яққол кўриниб қолди. Марказ М.С.Горбачев бошчилигидаги говори партия-совет раҳбарияти жамиятда ислохотларни тезлик билан амалга ошириш зарур, деб ҳисобларди. Бу йиллардаги партия-ҳукумат ҳужжатларида жамиятни «тургунлик» иллатларидан тозалашга, ислохотларни амалга ошириб, оддий инсон эҳтиёжларига алоҳида эътиборни кучайтиришга қаратилган чақириқлар янги куч билан янгради. Кадрлар сиёсатидаги эскириб долган шакллар ва усуллар, жамиятда ошқора танқиднинг, фикрларнинг бирликда эмаслиги, ҳокимият буганлари ва иқтисодиётни бошқаришда демократиянинг, марказ билан миллий ўлкалар

³⁹ Каримов И.А.Биз танлаган йўл –демократик тараққиёт ва маърифат дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар. 11-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон,2003. 196-бет.

уртасида бир нисбатнинг йўқлиги, инсон омилининг етарли даражада ҳисобга олинмаганлиги қораланди. Раҳбар лавозимларга сайлашнинг муқобиллигига йул қўйиш, маҳаллий совет органлари ваколатлари кенгайтирилиши, барча соҳаларда фикр эркинлиги назарда тутилиб, давлат тизимини ислох қилишда устуворлик миллий республикаларга кўпроқ мустақиллик берилишига қаратилиши, қишлоқ хужалик ва минерал хом ашё ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган республикаларга марказ мавжуд яккапартиявийликнинг сиёсий ва мафкуравий ҳукмронлигида маълум бир чеклашларни амалга ошириши зарур эди. Бироқ «кайта куриш» сиёсати ҳам социализмга сунъий равишда киёфа берганлигини Ўзбекистан президенти И.А.Каримовнинг: «Инкироз сабаблари ва омилларини тулиқ тасаввур этмаган, ўзгартиришларнинг аниқ-равшан дастурига эга бўлмаган бутун иқтисодий сиёсат эмпирик характерда булиб, авантюрадан иборат экспериментлардан, ҳар томонга оғишлардан бошқа нарса эмасди. Иқтисодиётни

барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтишнинг турлича ёндашувларга асосланган дастурлари лойиҳаларининг кўплиги ислохотларнинг аниқ мақсади йўқлигидан, уларни руёбга чиқариш муддатлари «беш юз кун» деб белгилаб қўйилиши эса зарур ўзгартиришларнинг туб моҳияти ва нихоятда мураккаблиги тўла англаб етилмаганлигидан далолат беради эди»⁴⁰, таърифи унинг моҳиятини очиқ беради.

Миллий кадрлар муаммолари аввалгидек кескин эди. Масалан, Тошкент трактор заводида узбек ишчиларининг миқдори 80-йилларнинг охирида 17%ни ташкил этарди²⁴. Миллий меҳнат ресурсларининг саноатта келишига қўл меҳнатининг ҳали ҳам юқори даражада эканлиги, иш ҳақининг пастлиги, меҳнат жараёнларининг бир хилдалиги, уй-жой олиш, мактабгача болалар тарбия муассасаларида жой олишнинг узоқ муддат кутилиши каби муаммолар бу жараёни янада мураккаблаштирди.

Бугунги кунда маълумки, ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳалардаги кўпгина муаммоларнинг манбалари совет сиёсатининг хато ва нуқсонларига бориб тақалади. Бу сиёсат тор синфий йўналишга эга бўлган марксча-ленинча таълимотга асосланди. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «биз бошимиздан кечирган собиқ мустабид тузум даврида миллий маънавиятни ривожлантиришга мутлақо йўл қўйилмаган, аксинча, халқимизнинг табиати, яшаш тарзига ёт бўлган коммунистик мафқурани ҳар қандай йўллар ва зўравонлик билан жорий этишга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ҳам, истиқлолнинг дастлабки кунлариданок бу соҳадаги аҳволни тубдан ўзгартириш юртимизда энг долзарб ва ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди»²⁵.

Ушбу давр таҳлилига доир тадқиқотларга йўналган ҳолда хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, совет давлатида йил сайин иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаёт тарзи қанчалик чуқурлашиб борса, «кадрлар малака» сини ошириш, мамлакатда содир бўлаётган инқирозли ҳолатларни, ўзгаришларни, уларнинг аҳамияти ва оқибатларини «марксизм-ленинизм» таълимотидан келиб чиққан ҳолда гуёки чуқур «англаб етиш» каби ҳолатлар чуқурлашиб бораверди. Мамлакатда кадрлар тайёрлаш тизими узининг тузилиши ва хусусиятларига эга бўлиб, бошлангич сиёсий мактаблар мунтазам ўқишга тайёр бўлмаган тингловчилар учун йўналтирилган ва уларга сиёсий, иқтисодий билимлар берилди. Тингловчиларнинг бу гуруҳида коммунистик ахлоқ даражаси ва асослари бўйича ҳам таълим бериш йўлга қўйилди. Ўрта ва олий гуруҳдаги машғулотларга тайёр бўлмаган тингловчиларнинг ўқиши ташкил этилиб, уларга асосан

⁴⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. 1-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.280-281.

⁴¹ Таксанов А. Социальная политика и рабочий класс. - Ташкент: «Ўзбекистон», 1991. - С. 92.

⁴² Каримов И.А. Юксак маънавият- энгилмас куч. — Тошкент:» Маънавият», 2008. - Б. 4-5.

партия тарихи, сиёсий иқтисод, фалсафа, илмий коммунизм фанларидан дарс берилди. Олий гуруҳдаги кадрлар тайёрлаш тизими эса асосан раҳбар кадрларни, илмий ва бадиий йуналишдаги зиёлиларни, халқ хўжалигидаги мутахассисларни ўқитишни ташкил этиб, уларни ўқитиш меҳнат ва жамоа фаолиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилди. Бироқ кадрлар масаласига бундай ёндашув ва усуллар улар орасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётга бефарқлик билан қараш, режаларни қоғозда бажариш билан чекланиш ҳолатлари кучайди.

Ушбу бобга хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, совет давлатининг сайлов масаласидаги сиёсати бутун бошли миллатни бадном этиш жараёни билан боғланиб кетган эди. Республика хужалик раҳбарлари юқоридан бериладиган топшириқларни кўр-кўрона бажарувчи ижрочи шахсларга айланиб қолган эдилар. Мазкур йиллардан кадр танлашда кўп ҳолларда партия ташкилотлари раҳбарларининг шах- сий фикр-мулоҳазалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, меҳнат жамоасининг фикрини ўрганиш эса номигагина ўтказиладиган бир тадбирга айланиб қолди. Марказ эса сайлов сиёсатини оғишмай амалга оширишда маҳаллий миллатга мансуб халқга нисбатан мунтазам таъқиб уюштириб турди. Вақти-вақти билан маҳаллий кадрларни силтаб «хушёр» қилиб туриш республикаларда олиб борилган сайлов сиёсатининг асосий йуналишига айланиб қолди.

3.2. Хотин - қизларнинг сайлов жараёнидаги иштироки.

Жаҳон тараққиётида улкан сиёсий ўзгаришлар ясаган XX асрда зўравонликка асосланган бесамар режали тараққиёт йули совет давлатининг емирилиши ва дунёда янгича маънавий қиёфа шаклланишига олиб келди. 70 йилдан ортиқроқ вақт давомида

хукмронлик қилган совет давлати узининг асосий хусусиятларига эга булиб, миллий сиёсатнинг чуқурлашиб, миллий онг ва миллий манфаатлар урнига «ягона совет халқи»ни шакллантириш, миллий узликни унутиш йулидаги зуравонлик ҳаракатларининг кучайиб кетиши билан характерланди. Тузум миллий сиёсати коммунистик партия ва совет ҳокимиятининг мақсад-манфаатларидан келиб чиқиб, сиёсий соҳада марказлашган маъмурий-буйруқбозлик бошқарув тизимини жорий этди. Айни пайтда бу сиёсат заминиди аёлларга нисбатан жамият муносабати ҳам давлат сиёсати даражасига кутарилди.

Ишлаб чиқариш ва жамиятнинг бошқа жабҳаларида аёллар фаоллигини кучайтиришнинг мафкуравий совет модели 1920 йиллардаёқ белгиланди. 1950 йилларга келиб эса тобора йирик куламга эга булиб борди. Жумладан, марказ то- монидан бошқарув, раҳбарлик тизимларига маҳаллий аёлларни ҳам эркаклар билан тенг сайлаш ҳақида курсатма берилди, мақсад, аёлларни оилада эмас, балки жамиятда эркаклар билан тенг асосда фаол иштирок этишни истайдиган бутунлай янги авлодини тарбиялаш булди²⁶. Ўзбекистон МК биринчи котиби Усмон Юсупов 1946 йил Ўзбекистон КП (б) УЎ XIV пленумидаги нутқида «Аёллар клуби, қизил чойхоналарнинг энди эскирганлиги, хотин-қизларни турли юртларида ўқитиб, халқ хужалигига, саноатга кенг жалб қилиш давр талаби эканлиги»ни таъкидлади. 1947 йилда ишлаётган 3792 раҳбардан 253 таси (6,7%) аёллар эди. Хотин-қизлар уртасида иш олиб бориш, уларнинг фаоллигини оширувчи механизмлар йуналиши сифатида 1950 йигача тарғибот, ташвиқот, ташкилий, тарбиявий ишлар ку- чайтарилган бўлса, 1950 йилдан кейин уларни халқ хўжалигининг барча соҳаларига жалб этиш, хотин-қизлар орасида ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш, беш йиллик режаларни бажариш мақсадида мусобақалар кучайтирилди. Мусобақалар «социалистик», «коммунистик меҳнат учун» номланган ҳолда, улар икки ишчи ёки колхозчи аёл, бригада жамоалари, туман ва вилоятлар, республика миқёсида амалга оширилиб, аёлларни сиёсий-ижтимоий жиҳатдан тарбиялаш билан қўшиб олиб борилди. Сиёсий ахборот ва ташвиқотлар бериш, яъни корхоналарга, ташкилотларга, жамоа хужаликларига юборилган газета ва журналларда социалистик мусобақа голибларининг фаолиятлари кенг ёритилиши, уларнинг номлари ҳурмат тахталарига қуйилиши, махсус «юлдузчалар» билан тақирланиши ва бошқа «советларча» рағбатланиш шакллари амалга оширилди.

⁴³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет муштамлақчилигидаврида.-Тошкент: Шар^,2000. —Б. 375.

Совет тузумининг тарғибот ишлари биринчи навбатда синфий қарама-қарши фикрлар ва дунёқарашни шакллантириш мақсадини кузлаган. Хотин-қизлар орасидан инсонлар онгини «советча» тайёрлаш буйича махсус кадрлар тай- ёрланди. Мисол учун, 1950 йилда Тошкент шаҳар партия комитети ва УзССР Министрлар Совети ҳузуридаги маданий оқартирув муассасалари комитети марказий лектор бюроси ёрдамида хотин-қизлар маданият уйида маърузачилик ташкил этилди. 1950-1951 йилнинг икки ойи ичида 105 та маърузалар утказилиб, улар орасида «совет хотин-қизлари коммунизм ва қурилишининг фаол катнашчилари», «Хотин-қизлар тинчлик учун курашда», «Паранжи хотин-қизлар озодлигининг душмани», «Социалистик давлатда никоҳ ва оила», «Ислом динининг реакцион моҳияти» каби сиёсий, ҳуқуқ илмий мавзулар орқали аёллар орасида ташкилий-тарбиявий ишлари кучайтирилиб борилган. «Бурондан кучли», «Опа-сингиллар», «Эрк куши», «Жамила», «Турсуной ҳақида қисса» каби асарлар орқали совет даврида машақатли меҳнат қилган хотин-қизларни урнат қилиб курсатиш мақсадида варағли матбуот, радио-телевидение орқали тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилди ҳамма вилоятларга ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида халқ эътиборидаги хотин-қизлардан иборат тарғибот гуруҳлари юборилди. Аммо бу жараён негизида «ягона совет халқини»ни тарғиб қилувчи сохта байналминаллик ғояси яширинган бўлиб, совет тузумига келажакда ўз тарафдорларини тарбиялаш имконини берди.

Архив ҳужжатлари ва бошқа манбаларнинг таҳлили шуни курсатадики, совет тузуми даврида махсус иш механизмларининг яратилганлиги аёллар дунё қарашининг ўзгаришига таъсир курсатган. Бироқ асосий мақсад, вазифа, шакл ва услублар, хотин-қизларни озодликка чиқариш байроғи «нивоби»да биринчидан, аёллар меҳнатидан унумли фойдаланишга, уларнинг меҳнат фаоллигини оширишга, иккинчидан, уларнинг ижтимоий-сиёсий онгини советча тарбиялашга, учинчидан, хотин-қизлар аҳволини яхшилаш буйича қарор, дастурлар партия совет органларида қабул қилинган бўлса-да, амалда бу қарорларнинг тулиқ бажарилмаслигига эришилган. Айниқса мамлакатда бошланган саноатлаштириш ва маданий ўзгаришлар даври ҳукмрон мафкура ва давлатнинг тазийқи, талаблари асосида аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришларда фақат шакл ва сонда намоён бўлган кенг иштирокига эришилди. Партия ва давлат қурилиши, жамият ишларини бошқаришда ҳам аёлларни эркаклар билан чинакам тенглаштириш учун барча чора тадбирларни курдилар. Чунончи, 1965 йилда республикада 33121 хотин-қиз маҳаллий кенгашларга, 139 аёл Ўзбекистан ССР Олий Кенгашига депутат қилиб сайланган, СССР Олий Кенгашида Республиканинг 22 та

вакиласи бор эди²⁷. Улардан СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашлари орасида колхоз раислари Энахон Ахмадалиева, Рисолат Эргашева, механизатор Турсуной Раимова, ип йигирувчи Фаина Ширинова, уқитувчи Муҳаббат Абдурахмонова, раэдоса Галия Измайлова ва бошқалар бор эди. Совет ва партиявий лавозимлар, съездларга сайланадиган аёл депутатларнинг купчилиги ишчи ва деодонлардан булиб, етарли юқори маълумотга эга булмаган. Бундай лавозимларда булгани билан қонунларга ҳеч қандай узгартиришлар, енгилликлар киритиш салоҳиятига эга эмасдилар. Қаерга қанча ишчи, деҳқон, хизматчидан вакил, депутат сайлаш лозимлиги, уларнинг қанчаси аёллардан булиш кераклиги ҳақида махсус махфий курсатмалар ишлаб чиқилган ва бу курсатмалар уша даврда сузсиз бажарилган.

Тузум сиёсати аёллар меҳнатидан унумли фойдаланиш учун махсус иш йуналишлари, шакллари, услубларини ишлаб чиққан. Уларни ижтимоий меҳнатга юқори даражада жалб қилиш учун курсатмалар, қарорлар, фармойиш, қонунлар йил сайин жуда куплаб қабул қилинган.

1950 йил Ўзбекистон ССР КП МК пленумида хотин-қизларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш ва улар уртасида сиёсий-тарбиявий ишларни авж олдириш тугрисида масала муҳокама қилинди, аёлларни саноат корхоналарида ишлашга жалб этиш учун барча чора тадбирлар курилди. Партия совет ташкилотлари, ЎзССР пахтачилик ва кишлоқ хужалиги министрликларида хотин-қизлардан саноат ва кишлоқ хужалиги учун мутахассислар тайёрлаш ишини кучайтириш мақсадида олий ўқув юртларида, техникумлар, махсус мактаблар ва курсларга ўзбек аёлларини қабул қилишни яқин йиллар ичида кучайтириш зарурлиги таъкидланди. 1955 йил- да республика олий ўқув юртларида 7500 ўзбек қизлари таълим олди. Маҳаллий миллат ишчи ва хизматчилари сони аёлларнинг ҳисобига ҳам купая бошлади. Бунинг ижобий тарафлари билан бирга уша вақтда баъзи камчиликлари ҳам юзага келган. Жойларда ишга тайинланган аёлларга ёрдам курсатилмай, уларнинг куч ва қобилиятини менсимаслик ҳоллари кўп учраган. Кўпгина туб ерлик оилалар орасида хотин-қизларнинг ишга чиқишлари баъзан оила боши томонидан салбий қабул қилинган. Оқибатда купгина маҳаллий хотин-қизларнинг ишга чиқишлари натижасида оилавий келишмовчиликлар юзага келиб, фожаия билан тугаш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турган. Мисол учун, Тошкент вилояти Бекобод шаҳар прокуратурасида 1952 йил декабрда курилган иш буйича М.Курбонов хотини М.Бердиевани ишлашга рухсат бермай уни таздирлайди. Охир-оқибат М. Бердиева

⁴⁴ Орлов Г. Кадрларни танлаш ва тарбиялашнинг ленинча прин-циплари // Ўзбекистон коммунисти. — Тошкент, 1966. - №10. — Б. 16.

узининг устидан керосин қуйиб ёкиб юборади ва касалхонада жон беради. Архив хужжатлари маълумотларига кура кейинги йилларда ҳам бундай фожиалар купайиб борган. 1960 йил январдан 1961 йил март ҳолатида Ўзбекистон буйича 70 киши узига ут қўйган, шундан 68 таси аёллар, 2 таси эркеклар булга. 1982 йил давомида бундай даҳшатли ҳодиса 82 бор содир этилган²⁸. Бундай огир фожиали ҳолатларнинг юзага келишида купгина аёлларнинг маънавий тарафлама қолоқлиги ва амалда ҳақ-ҳуқуқсиз эканликларининг бир куриниши ҳам эди. Уша пайтда милиция, прокуратура, суд органларининг етарли даражада яхши ишламаганликлари, хотин-қизларга нисбатан қилинган жиноятларни текшириш ишлари узоқ вақтгача чузилиши, баъзан асоссиз тарзда етарли жазо берилмай ишни кўрсатиш ҳоллари куп учраши, партия ташкилотларининг бу масалага эътибори сустлиги, бу каби ҳолатларни маълум даражада кучайтирган. Хотин-қизларнинг уз жонига қасд қилишларини жамиятга, оиладаги моддий ва маънавий аҳволга нисбатан норозилик, қаршилик аломати сифатида ҳам таърифлаш мумкин. Хотин-қизларнинг эркеклар билан тенг ҳуқуқлилигини, эркинлигини авж олдирилиши республикадаги миллий анъаналар, муносабатлар маъмурият томонидан эътиборга олинмай, баъзан юқорида таъкидланган мураккаб вазиятларни юзага келтирган. Ҳолбуки, бу сиёсатни олиб бориш жараёнида республикадаги ижтимоий, маънавий, анъанавий ҳолатларга эътибор берилиб, босқичма-босқич, эҳтиёткорлик билан амалга оширилганда мақсадга мувофиқ булар эди.

Хотин-қизлар ижтимоий-маънавий ҳаётда иштирок қилиши жараёнида барча жавобларда маъмурий -буйрубозлик усуллари ва шаклларида фойдаланилган ҳолда фаолият олиб бордилар. Советларча тадбирлар аёлларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга маълум даражада хизмат қилди. Уларнинг ижтимоий сиёсий онги совет тузуми сиёсатига хос тарзда усди ва социалистик ҳақидаги ҳужалигининг зарбдори булишга интилдилар. 1946-1958 йилларда саноатга хотин-қизларнинг кенг жалб этилиши натижасида Ўзбекистон халқ ҳужалигига кадрлар етиштириб беришда катта узгаришлар руй берди. 1950 йилда енгил саноатда

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, совет давлати сиёсати аёлларнинг ижтимоий онгига, дунёқарашларига ҳам таъсир этди ва уз навбатида халқ ҳужалигининг барча тармоқларида хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланилди. Аёллар эркеклар билан ижтимоий тенглаштирилди, натижада аёллар орасида тугатилган саводсизлик уларни ишлаб чиқариш ва жамоат ишларида фаол иштирокига сабаб булди. Бироқ «тенглаштириш»

^{45/} Ийманова Д.А. Ўзбекистонда совет тузумининг кадрлар сиёсати ва унинг оқибатлари.-Тошкент. "Янги аср авлоди"2013.83-б.

гояси узининг салбий тарафларини ҳам намоён қилдики, оқибатда хотин-қизлар узининг меҳрибон она, яхши уй бекаси куринишларини йуқотиши каби ҳолатлар билан бирга огир жисмоний меҳнат турлари сабаб соғликларини ҳам йукотдилар. Шундай булсада улар уз фикр ва муносабатларини тузум сиёсатига мос тарзда амалга оширдилар ва маълум даражада хотин-қизлар шу тузум қурбонига айландилар. Халқни буйсундириш, хотин қизларни мавқ этиш учун жамиятда ва қулланилган катагон, сургунлар ҳам хотин-қиз кадрларнинг жиловланишига олиб келди. Улар узлари, болалари соғликлари ҳисобига булса ҳам ташкилотларда, завод-фабрикаларда, қишлоқ хужалик соҳаларида тузум қуйган талаб, режа, чақиришларга доимо жавоб бериб, социалистик мусобақаларда, конференцияларда, ҳаракатларда фаол қатнашиб келдилар.

Хулоса

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистоннинг ер ости ва ер усти захиралари, аждодлар меҳнати билан яратилган бойликлар, иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий кучқудрат, имкониятлар узбек халқи фаровонлиги, мустақил рес- публиканинг ҳозирги ҳаёти ва истиқболи учун хизмат қилувчи замин булиб қолди. Инсон омили, инсон манфаатлари, унинг ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кутарилди. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қуйиш, маданият ва маънавият масалаларида ҳам ижтимоий адолат тамойилларига асосланилиб, ҳар томонлама билимга эга булган етук мутахассисларни тайёрлаш учун жахон стандартларига мос шароитлар яратилди.

КПСС ва совет давлатининг 74 йиллик ҳукмронлиги даврида узбек халқи ҳаётига мажбурий сингдирилган «социалистик» турмуш тарзи ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ноҳақликлар юзага келишига сабаб бўлди. Барча соҳада вужудга келган марказдан туриб маъмурий-буйруқбозлик тарзида бонқариш, бир томонлама ривожланиш йўлини танлаб олиш оқибатида мамлакат таназзул ёқасига келди. Сиёсий раҳбариятнинг собиқ

иттифокдош республикаларда олиб борган назорати партия аппаратини қарам давлатлар устидан назоратини мустаҳкамлашга эришди. Партия барча соҳаларда бошқарувни ўз рўлига олди. Натижада партиянинг сайлов сиёсати соҳасида бир томонлама ривожланиш юзага келди ва тўпланган кўплаб илмий материаллар таҳлил этилиб қўйидаги хулосаларга келинди:

- таҳқид этилаётган йиллар давомида совет давлати ижтимоий-иқтисодий ҳаёти «режали тараққиёт» йулидан борди. Совет ҳукумати сиёсатида «ягона совет халқи» ни шакллантириш бевосита кадрлар масаласи билан боғлиқ бўлди ва иттифокдош республикалар миллий манфаати эътиборга олинмаганлигидан Ўзбекистонда ҳам сайлов сиёсати бир тарафлама марказ манфаатидан келиб чиққан ҳолда юритилди;

- совет ҳукумати иттифокдош республикаларга жумладан, Ўзбекистонга сайлов сиёсатини доимий равишда кўрсатди. Миллий республикалардаги масъул лавозимларга марказдан юборилган вакилларни тайинлаш тартиби ўрнатилган бўлиб, бу жараён истиқлол йилларигача давом этди. Бу сиёсатнинг олиб борилиши маҳаллий аҳоли манфаатларини камситишнинг курилишларидан бири эди. Марказдан келган кадрлар шароитини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида катта ишлар қилиниши бараварида, маҳаллий хашргарни уз турар жойларидан янги пахтачилик учун узлаштирилган ҳудудларга кучириш сиёсати авж олди. Натижада аҳоли ўртасида уй-жой муаммолари, ортиқча меҳнат ресурсларининг янада кўпайиши, демографик вазиятнинг янада мураккаблашувига сабаб бўлди;

- Ўзбекистонни ишчилар ва деҳқонлар республикаси, кейин «меҳнаткашлар», ниҳоят «халқ оммаси» республикаси деб эълон қилган совет давлати мамлакатда ҳукмрон бўлган коммунистик партиянинг қатъий бошқарувига, «партия-совет мажмуи» қулига топшириб қўйди, оқибатда кадрлар партиянинг асосий ҳаракатланувчиларига айлантирилди;

- совет давлати Ўзбекистонда умумий, урта махсус ва олий таълимни, фан ва маданиятни ривожлантириб бориб, уларни юқори даражада мафкуралаштириш, сиёсий ва байналминал тус беришга, халқни кўп асрлик маънавий мероси, миллий анъаналари ва урф-одатларидан маҳрум қилишга интилди. Тайёрланаётган мутахассисларнинг сон миқдорита эътибор берилиб, оқибатда уларнинг савиялари жаҳон талабларидан жиддий ортида қолгани, халқ хўжалиги учун номуносиб мутахассислар тайёрланишига, улардан ишлаб чиқаришда самарасиз фой- даланишга олиб келди;

- сайлов сиёсатида советлар империясининг ипшаб чиқарувчи кучлар етказиб берувчи хом ашё базасига айлантирилиб, маҳаллий депутатлар фаолияти, уларнинг шарт-шароити доимо иккинчи даражали иш сифатида қаралишига олиб келди. Республикада маҳаллий

аҳолининг узиш суръати юқорилигига карамай, ишчи кучларини меҳнат билан банд қилишга дойр тадбир ва режалар меъёрий ишлаб чиқилмади;

Совет сиёсати узбек халқини асоратга солиш, унинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини талаш билан қўшиб олиб борилди. Совет тузуми йилларида, халқ онги ёппасига марксизм-ленинизм ғоялари орқали «ишлов» берилди, тарихий хотира заифлаштирилди.

Республикамизда сайлов сиёсати қайтадан ислох қилиб, тўғри йўлга қўйиш номзодлар кадрлар тайёрлаш миллий дастурини яратиш масалалари пайдо бўлди. Ўзбекистон мустақилликка эришкандан сўнг сайлов сиёсатига эътибор кучайтирилди, ва бундан кейинги сайловлар ҳаққоний ва демократик тарзда ўтказилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва манбаалар рўйхати

Т." 1. Каримов И. А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. - Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. - 364 б.

1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин Т.2. - Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. — 382 б.

- 1.3. Каримов И.А. Узбекистон буюк келажак сари. — Тошкент: «Узбекистон», 1998. — 687 б.
- 1.4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йуқ. - Тошкент: «Узбекистон», 1998. — 32 б.
- 1.5. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. — Тошкент: «Узбекистон», 1999. — 412 б.
- 1.6. Каримов И.А. Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. — Тошкент: «Узбекистон», 2000. — 524 б.
- 1.7. Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9. - Тошкент: Узбекистон, 2001) - 439 б.
- 1.8. Каримов И.А. Узбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. -Тошкент: «Узбекистон», 2004. - 448 б.
- 1.9. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. — Тошкент: «Маънавият», 2008. - 176 б.
- 1.10. Каримов И.А. Узбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. —Тошкент: «Узбекистон», 2011. - 440 б.
- 1.11. Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили-буюк келажакимизнинг гаровидир. — Тошкент: «Узбекистон», 2012.

Архив ҳужжатлари

Андижон Вилоят Давлат архиви

1. 186-фонд, 1-рўйхат, 76-иш, 516-518-бетлар
2. Андижон Вилоят Давлат архиви, 335 фонд 28 рўйхат 1 иш 811 бет
3. Андижон Вилоят Давлат архиви 28/44 фонд, “Протоколы О выдвижении кандидатов в депутатов” 62 бет
4. Андижон Вилоят Давлат архиви 335 фонд, опись 1, 37 бет
5. Андижон Вилоят Давлат архиви 28 фонд, ЕД хранения 228 “Протоколы голосования местного совета депутатов” 115 бет
6. Андижон Вилоят Давлат архиви 275 фонд, хранение 10 “Протоколы махаллинского комитета” 82 бет

Адабиётлар

1. Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари. — Тошкент: “Шарқ” 2012 10 бет
2. Тошқулов Ж. «Сайлов ҳуқуқи тарихига бир назар» Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, 2-сон, 22-б
3. Татьяна Славко. Лиценцы на материалах крестьянских судебных уральцев. лишенных избирательных прав в 1918-1936 гг. Нижний Тагил, 2001

4. В.И.Ленин. О политехническом образовании, полн. собр. соч., том 42. - С. 298-299
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. - Тошкент: Шарк, 2000. - Б. 505.
6. Иманова Д.А. Ўзбекистонда Совет тузиминг кадрлар сиёсати ва унинг оқибатлари. Тошкент; “Янги аср авлоди” 2013 10 бет
7. Таксанов А. Социальная политика и рабочий класс. - Ташкент: «Ўзбекистан», 1991. - С. 92.
8. Юнусова Х. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари. - Тошкент: «Зарқалам», 2005. - Б. 42.
9. Татибаев С., Кудряков В. Партийный рахбарликнинг Ленинча услуби// Ўзбекистон коммунисти. – Тошкент, 1975. №6- Б.44